

DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

2 (90) – 2021

Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:

Tanzila NARBAYEVA
(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV
(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE
(Rossiya Federatsiyasi)

Akira FUJIMOTO
(Yaponiya)

Uilyam BATLER
(AQSH)

Tadeush BODIO
(Polsha)

Marg'ub BUT
(Islom hamkorlik tashkiloti)

Reyn MULLERSON
(Estoniya)

Tatyana MOSKALKOVA
(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV
(Qozog'iston)

Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatillo TILLABAYEV – yuridik
fanlar doktori, dotsent.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekiston
Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekistonda
xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar
nomzodi, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV –
yuridik fanlar doktori, professor
Mixail GASANOV – yuridik fanlar
nomzodi, dotsent.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik
fanlar doktori, professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – yuridik
fanlar nomzodi, professor.

Mas'ul kotib:

Azizbek RAMAZONOV

TAHRIR HAY'ATIDAN

Inson huquqlarini ta'minlash – islohotlarning ustuvor yo'nalishi 2

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT

MUSTAQILLIGINING 30 YILLIGI

Mirzo-Ulug'bek Abdusalomov. Inson huquqlarining konstitutsiyaviy
kafolatlari kuchaytirilmoqda 4

Qalandar Abdurahmonov. Inson huquqlarini rag'batlantirish –
davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi 7

Adhambek Rashidbekov. Inson huquqlari sohasida ta'lim va tarbiya ishlari
sifatini yanada oshirish yo'lida 12

YANGI O'ZBEKISTONDA INSON HUQUQLARI

Faxri Raximov. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti fuqarolarning huquqlari
va erkinliklariga rioya etilishi kafili 14

Gulnora Marufova. Ayollarning huquq va erkinliklarini ta'minlash –
islohotlarning bosh mezon 18

Jasur Islamov. Ijtimoiy-siyosiy hayotda va ishbilarmonlik sohasida
gender siyosati 20

G'ulom Mirzo. So'z va matbuot erkinligi: xalqaro huquq va milliy amaliyot 24

MUQADDAS XOTIRA

Shohista O'ljayeva. "G'alaba bog'i falsafasi" kitobi haqida so'z 31

JAMIYAT VA HUQUQ

Axtam Tursunov. Parlament faoliyati samaradorligini oshirish –
demokratik islohotlar talabi 37

Odiljon Sulaymanov. Sudyalarning kengashlari faoliyatiga oid universal prinsiplar 41

Nurmuhammad Qarshiyev. Siyosiy partiyalar nazariyasining genezisi
va ularning siyosiy fanlarda tutgan o'rni 47

Akbar Saitqosimov. Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish –
qonun ustuvorligini ta'minlashning muhim omili 51

Xabibulla Mirsoatov. Mehnat sohasidagi milliy qonunchilikning xalqaro
standartlarga muvofiqligi 55

Komil Baratov. Izchil kadrlar siyosati – kelajak ravnaqi asosidir 59

Farrux Jumayev. Maishiy turmush sohasidagi jinoyatlarning
kriminologik tavsifi 63

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR 67

MUASSIS:



INSON HUQUQLARI
BO'YICHA O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI

HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI



OLYI MAJLISNING
INSON HUQUQLARI
BO'YICHA VAKILI
(OMBUDSMAN)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 30 йиллиги «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғояси асосида барча — сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда кенг қўламли ва чуқур ислохотлар изчил амалга оширилаётган ҳолатда кутиб олинмоқда. Ушбу санани нишонлаш бўйича «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурида жамиятда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар таъкидланган¹.

Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида ҳам ана шундай демократик ўзгаришларда «...инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради»², деб алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2020 йил 22 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси қабул қилинди ва уни амалга ошириш юзасидан «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ҳамда тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, энг аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва асосий манфаатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда Миллий стратегия асосида жами 33 та, жумладан 20 та янги, 9 та янги таҳрирдаги қонун қабул қилиш, 4 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган.

Қисқа вақт ичида «Аҳоли бандлиги тўғрисида» ва «Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунлар, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди, 3 та янги кодекс, 7 та амалдаги кодекснинг янги таҳрири лойиҳалари тайёрланди.

Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан ишлаб чиқилган «Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганлигини таъкидлаш керак.

2021 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда давлат органлари ва нодавлат ноtijорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатлари такомиллаштирилмоқда ва кучайтирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан асосий мақсади инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларига риоя этишга ҳамда Миллий стратегияни амалга оширишга қўмаклашиш бўлган Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси тузилди, унинг аъзолари учун Буюк Британиянинг Глобал шериклик бошқаруви жамғармаси иштирокида онлайн ўқув курслари ташкил этилди.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2020 й., 07/20/4926/1633-сон.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // ЎЗА, 2021 йил 22 февраль.

ги малакасини ошириш бўйича “Инсон кадр-киммати – энг олий қадрият” махсус ўқув модули ишлаб чиқилди. Мазкур модул асосида коронавирус пандемияси шароитида онлайн машқ машғулоти ўтказилиб, 500 нафардан ортиқ раҳбар ходимлар ўқитилди. Ўқув машғулоти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича, Қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссарлари бошқармалари, Тараққиёт дастури, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг етакчи халқаро мутахассислари жалб этилган ҳолда ўтказилмоқда.

Гендер тенгликни таъминлаш ва ёшлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш Миллий стратегиянинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етган. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Ташкилотчи ва ташаббускор хотин-қизлар ҳокимликларни, йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда. Улар салоҳиятини янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида иштирокларини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилган.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Қарийб 55 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик ва касб-хунар марказлари томонидан ўқитилиб, хунармандчилик ва касаначиликка жалб этилди. “Беш муҳим ташаббус” доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар аёллар бандлиги таъминланди³.

Миллий стратегияда “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини ишлаб чиқиш, унда ёшларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш, шунингдек, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгилаб қўйилган⁴.

Жаҳонда Ўзбекистон ёшларни қўллаб қувватлаш, улар ҳуқуқларини кафолатлаш ташаббускори сифатида эътироф этилмоқда. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72- ва 75-сессияларида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш ғояси дунё жамоатчилиги томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Конвенция лойиҳаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумларида кенг муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш ҳамда Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш юзасидан янги таклифларини илгари сурди.

Мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларнинг ижтимоий муаммоларини тизимли ўрганиш ва мувофиқлаштириш вазифаси мутасадди ташкилотларга юклатилган. Улар ёшлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминламоқдалар. Хусусан, Савдо-саноат палатаси “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мадакор” тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш ташаббусини амалга оширмоқда. Ҳудудларда “устоз-шогирд” анъанаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Барча шаҳар ва туманларда “Ёшлар кичик саноат зоналари” ташкил қилинмоқда. Ёшлар лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилиб, ушбу жамғармага 100 миллион доллар маблағ ажратиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими ҳам жорий этилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ва изчил амалга оширилиши жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // ЎЗА, 2021 йил 6 март.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ*

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, жамиятда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ-ни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ўз самарасини кўрсатмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Инсон ҳуқуқларининг мазкур конституциявий кафолати Конституция ва қонун устуворлиги принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш билан боғлиқ.

Маълумки, Ўзбекистонда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўради.

Барча демократик давлатлар ҳуқуқий тизимида Конституциянинг устуворлиги принципи эътироф этилади. Конституциянинг устунлигини таъминлаш ҳамда жамиятда қонунийлик муҳитини яратиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашнинг ишончли гаровидир. Конституция устуворлиги принципи унинг нормаларининг тўғридан-тўғри, бевосита амал қилишини, давлат органлари, мансабдор шахслар бу нормаларни оғишмай бажаришини, Асосий Қонун қоидалари бузилишининг олдини олиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортишни тақозо этади.

Мамлакатда Конституция ва қонун устуворлиги принципининг қарор топиши, ҳуқуқий давлат асосларининг мустаҳкамланиши, конституциявий қонунийлик таъминланиши учун Конституция барқарорлиги, унинг нормаларига оғишмай риоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса кўп жihatдан Конституциявий суд томонидан конституциявий назорат фаолиятининг амалга оширилиши билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда Конституциявий суд фаолияти 2021 йил 27 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун билан тартибга солинади.

Хўш, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нимада? Унга қанчалик зарурат бор?

* Мирзо-Улуғбек Абдусаломов – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2020 й., 07/20/4926/1633-сон.

Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун 101 та моддани ўз ичига олган ўн учта бобдан иборат. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2017 йил 31 майда қабул қилинган аввалги қонун 5 та боб, 45 та моддадан иборат эди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада оширишга хизмат қилади.

Конституциявий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган қонунларнинг конституциявийлигини аниқлаш бўйича янги ваколат юклатилмоқда.

Хорижий мамлакатлар конституциявий судлари тажрибасидан келиб чиқиб, муайян ишда қўлланилган қонун орқали ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан шикоят билан фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи доираси аниқ белгилаб қўйилмоқда. Қонун кучга киргандан сўнг, агар қонун фуқаро ёки юридик шахснинг конституциявий ҳуқуқларини бузётган бўлса, муайян ишда қўлланилган ва ишнинг судда кўриб чиқилиши тугалланган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилишлари мумкин бўлади. Ҳуқуқ тили билан айтганда, мамлакатимизда конституциявий шикоят институти жорий этилмоқда.

Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши Конституциявий судда иш ҳажмининг кескин ошишига олиб келиши табиий. Шунинг учун хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Конституциявий суд судьялари сони 9 нафар этиб белгиланмоқда.

Конституциявий суд судьясининг ваколат муддатлари ўзгартирилмоқда. Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати — биринчи марта сайланганида беш йилни, иккинчи марта сайланганида ўн йилни ташкил этади. Шу билан бирга, айтиб ўтиш керакки, икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма сақлаб қолинмоқда.

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш тартиби, уларнинг ваколат муддати аниқлаштирилмоқда. Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд судьялари орасидан Конституциявий суд томонидан

беш йил муддатга сайланади. Агар уларнинг судья сифатидаги ваколат муддати тугашига беш йилдан кам муддат қолган бўлса, улар қолган муддатга сайланади. Айтиб ўтиш керакки, Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Аввалги қонунда Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланиши белгиланган бўлиб, уларнинг қайта сайланиши мумкинлиги очик қолган эди.

Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилмоқда. Аввалги қонунда 12 та субъект Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлса, янги қонун билан 15 та субъектга шундай ҳуқуқ берилмоқда. Чунинчиси, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил киритилмоқда.

Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан масала киритиш ҳуқуқи қонундан чиқарилмоқда. Бу, ўз навбатида, судьяларнинг Конституциявий судда кўриб чиқиладиган масалага нисбатан ҳолислигини таъминлашга хизмат қилади. Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам судьялар томонидан Конституциявий судга масала киритиш амалиёти учрамайди.

Қонунда конституциявий судлов ишларини юритишнинг процессуал қоидалари батафсил тартибга солинмоқда. Конституциявий судга мурожаат қилиш, мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш, ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиш, Конституциявий суд ишларини юритишнинг иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокамаси, суд мажлиси баённомаси, процессуал муддатлар, суд чиқимлари ва харажатларни қоплаш тартиби, айрим турдаги ишлар бўйича иш юритишнинг хусусиятлари каби процессуал тартиб-таомиллар белгилаб қўйилмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан

тасдиқланган регламент билан белгиланган. Ривожланган мамлакатларнинг конституциявий одил судлов соҳасидаги тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият мамлакатлар қонунчилигида суд ишларини юритишнинг процессуал тартиб-тамоийллари Конституциявий суд регламенти билан эмас, балки қонун билан тартибга солиниши назарда тутилган. Зеро, судлов ишларини юритишнинг процессуал қоидалари инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ. Шу боис, бундай қоидалар қонун билан белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Умумий қоидага кўра, Конституциявий суд мурожаат олинган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай уни ўрганишга киришадди ва кечи билан уч ой ичида қарор қабул қилади. Янги таҳрирдаги қонунда икки турдаги қонун бўйича, яъни Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишлар бўйича Конституциявий суднинг қарори 15 кун ичида қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Конституциявий суд қарорларининг турлари ва уларни қабул қилиш, эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби ҳамда қарорнинг юридик кучи тўғрисидаги нормалар қонунда ўз аксини топган. Конституциявий суд қарори қатъий ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Конституциявий суд қарори билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмас, деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг муайян қисми ўзининг амал қилишини тугатади.

Давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмас, деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қабул қилган ўз қарорларини бир ойдан кечиктирмай қайта кўриб чиқишлари шарт.

Қонунни тайёрлашда Арманистон, Бельгия, Венгрия, Германия, Грузия, Жанубий Корея, Испа-

ния, Россия, Тожикистон, Туркия, Украина, Қирғизистон каби мамлакатларнинг тажрибаси ва қонун ҳужжатлари ўрганилиб, таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксариятида Конституциявий судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш функцияларига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Зеро, конституциявий шикоят институти, яъни қонун ёки унинг нормаси билан фуқаро ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида шикоят қилиш уларнинг ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали восита сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши натижасида фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши Конституциявий суд иш ҳажмининг ошишига олиб келади ва Конституциявий суд девони тузилмасини такомиллаштириш, штатларини қайта кўриб чиқиш, унда юридик, халқаро алоқалар, фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, замон талаби асосида ахборот-коммуникация технологиялари, матбуот хизмати каби бўлинмаларни назарда тутишни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенг ва тўла қафолатлаш, мамлакатимизда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал хусусиятларининг янги йўналишларини тартибга солиш конституциявий одил суд фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида илгари сурилган халқаро ташаббуслар, уларни мамлакатда амалга ошириш бўйича қўрилаётган чоралар, янги ташаббусларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши таҳлил қилинган. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, миллий стратегия, суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотлар, виждон эркинлиги, хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқлари.

Abstract. The article analyzes the international initiatives put forward in the speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 46th session of the Human Rights Council, the measures taken to implement them in the country, the recognition of new initiatives by the international community. In particular, the comprehensive support of the state for women and youth has been studied.

Key words: human rights, national strategy, judicial reform, freedom of conscience, women's and youth rights.

Аннотация. В статье анализируются международные инициативы, выдвинутые в выступлении Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 46-й сессии Совета ООН по правам человека, меры, принятые для их реализации в стране, признание новых инициатив международным сообществом. В частности, изучена всесторонняя поддержка государством женщин и молодежи.

Ключевые слова: права человека, национальная стратегия, судебная реформа, свобода совести, права женщин и молодежи.

Янги Ўзбекистон жаҳонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган, ушбу соҳада янги-янги халқаро ташаббуслар муаллифи бўлган давлат сифатида таъминмоқда ва эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорида “Инсон манфа-

атлари — ҳамма нарсадан устун” ва “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойиллари асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар қайд этилган¹.

Мамлакатимиз тарихда биринчи марта БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бири — Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзо-си этиб сайланганлиги бунни тасдиқлаб турибди.

* Қаландар Абдурахмонов — Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2020 й., 07/20/4926/1633-сон.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72- ва 75-сессияларида БМТ-нинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини, Маърифат ва диний бағрикенглик, Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги резолюцияларни, Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш юзасидан билдирган ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан мамнуният билан қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамиятига қарата, “Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради”, деб ишонч билдирди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан бирга глобал форум ўтказиш, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш ташаббусларини илгари сурди².

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига биринчи даражали эътибор берилётгани тасодиф эмас. Буюк аллома Алишер Навоий таълим берганидек: “Бу гулшан аро йўқдир бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур гар яхшилик бирла қолса от”, яъни буюк юртни комил инсонлар бунёд этади. Улар ҳам ўқимишли ва билимдон, ҳам ташаббускор ва юртпарвар бўлишлари учун энг тараққий этган давлатлардаги каби барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши керак.

Шу мақсадда 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимлари жорий қилинган. 2021 йил – Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида “Болалар омбудсмани тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш белгиланган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган. Уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, шунингдек, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналарининг ташкил этилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам чуқур ислохотларга киришилди. Қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик қарор топа бошлади. Натижада аҳолининг одил судловга бўлган ишончи ортмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, низоларни судгача ҳал қилишда ва тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда.

Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафилиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. 2020 йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилгани, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш би-

² Қаранг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

лан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлангани, жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилгани буни яққол исботлаб турибди.

Мамлакатимизда БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланмоқда. Узоқ вақтдан бери яшаб келиб, Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган 50 мингга яқин юртдошимизнинг ана шу муаммоси ҳал этилиб, уларни Ўзбекистон фуқаролари сифатида тан олишнинг қонуний чоралари кўрилди.

Виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 16 та конфессиянинг 2 277 та диний ташкилоти фаолият юритмоқда. “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясини амалга оширишга, диний таълим ва маърифат тизимини ривожлантиришга, диний ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу вақтгача мажбурий меҳнат, болалар меҳнати масаласида кўп жиҳатдан жиддий танқид эшитишимизга тўғри келди. Аввалги тузумдан мерос бўлиб қолган амалдаги қонунларга зид ушбу ҳолатга барҳам беришнинг имкони йўқдек туюларди. Давлатимиз раҳбари Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида: “Биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатида барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик. Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди”³, деб таъкидлади.

Ҳақиқатан, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Учинчи томон мониторинги” лойиҳаси доирасида 2020 йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлаш бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда болалар меҳнатидан умуман фойдаланилмаган, деган хулосага келинди ҳамда фуқароларни мажбурий тарзда меҳнат қилишга жалб этиш ҳолатлари кузатилмагани қайд этилди.

Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида инсон ҳуқуқлари соҳасида янги ғояларни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари, жумладан: “Биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз”⁴, деб таъкидлади.

Юртимизда кенг қўламли демократик ислохотлар натижасида аёлларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Миллий парламенти-миз тарихида биринчи марта аёл киши Сенатни бошқармоқда. Шунингдек, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 47-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бошқарув тизимида уларнинг улуши 33 фоизга етди. Бир ярим мингга яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. 6 та туманда аёллар ҳоким вазифасини бажармоқда. Бу борадаги салоҳиятни янада ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга қўмаклашиш бўйича энг қуйи бўғин — маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилмоқда. Кейинги уч ойда ижтимоий ҳимояга муҳтож 80 минг нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди, 32 минг нафари иш билан таъминланди.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилган. Улар томонидан 28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, ҳунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Оилавий тадбир-

³ Қаранг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи [//https://president.uz/uz/lists/view/4179](https://president.uz/uz/lists/view/4179).

⁴ Ўша манба.

корликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Уй-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар хотин-қизларга салкам 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Шунингдек, “Беш муҳим ташаббус” доирасида 21 минг 500 нафар қиз қисқа муддатли касб-хунар курсларида ўқитилди. Ана шундай имкониятлар туфайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони бир йилда қарийб 45 минг нафарга кўпайиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Шу билан бирга, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробар кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилмоқда.

Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтакавий бизнес форумини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди⁵.

Ўзбекистон бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббускори ҳам ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича “Ёшлар – 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган веб-форум бевосита ушбу масалага бағишланди. Унда БМТ ва унинг муассасалари, Парламентлараро иттифок, Европа Кенгаши, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиё парламент ассамблеяси, Африка Иттифоқи намоёндалари билан бирга жаҳондаги 30 дан ортиқ ёшлар ташкилотининг 1000 нафардан зиёд вакили иштирок этди.

Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида эканлиги, 2021 йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинганлигини таъ-

кидлаш билан бирга қуйидаги халқаро ташаббусларни ҳам илгари сурди:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;
- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;
- шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш.

Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича янги механизм жорий этилмоқда.

Унга мувофиқ, жорий йилнинг 1 май санасидан бошлаб ёшларни ишга қабул қилган корхона ва компанияларга ушбу ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилади ҳамда “Ёшлар дафтари”га кирган 5 нафардан ортиқ ишсизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларга давлат мулки ижараси учун 50 фоизгача имтиёз берилади.

1 июндан бошлаб эса:

- “Ёшлар дафтари”га кирган талабалар корхона ва компанияларда амалиёт ўтаганда, уларга 500 минг сўмгача субсидия ажратилади;
- биринчи марта ишга кирган касб-хунар маркази битирувчилари 6 ойгача даромад солиғи тўлашдан озод этилади;
- ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган ёшларга, бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизгача қисми қоплаб берилади;
- “Ёшлар дафтари”га киритилган йигитлар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ харажатлари бюджетдан тўланади;
- “Ёшлар дафтари”га кирганларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиши харажатининг бир қисми қоплаб берилади.

1 июлдан бошлаб хусусий корхоналарда янги иш бошлаган ходимларни қайта тайёрлаш харажатининг 1 миллион сўмгача бўлган қисмига субсидия берилади.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4212>.

Бундан ташқари, ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларда ўқиши учун тўланадиган контракт суммаси даромад солиғидан озод қилинади.

Ёшлар бандлигини таъминлашдаги яна бир муҳим йўналиш – қишлоқ хўжалигида республикамиз бўйича жами 21 та туманда 2 мингдан 4,5 минг нафаргача ёшларнинг деҳқончилик билан шуғулланиши учун ер ажратилган. “Ёшлар дафтари”га кирганларга эса уруғлик ва қўчатлар хариди учун 2 миллион сўмгача субсидия берилиши кўзда тутилган⁶.

Кейинги пайтда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири Анн Линде ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи мамлакатимизда янги босқичда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатни юқори баҳоладилар ва қўллаб-қувватладилар.

Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, сўз, дин ва эътиқод эркинлиги, гендер тенглик, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий базасини илғор халқаро амалиёт асосида мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигининг халқаро эътирофидир.

⁶ Қаранг: Ёшлар сиёсатига оид вазифалар ижроси таҳлил қилинди // <https://president.uz/uz/lists/view/4283>.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Адҳамбек РАШИДБЕКОВ*

Мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил тўлмоқда. Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти тубдан янгиланмоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Женева шахрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон Президенти илк бор иштирок этиб, сўзлаган нутқида, **“Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига онд умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради”**¹, деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу нуфузли тadbирдаги иштироки, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга ҳодиса бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мамлакатимизда демократик янгиланишларни чуқурлаштиришнинг ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш доирасидаги давлатимиз фаолиятининг устувор йўналишларига батафсил тўхталди. Шунингдек, бир қатор муҳим аҳамиятга эга ташаббуслар илгари сурилди. Улар орасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан биргаликда **Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларация қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишлаб глобал форум ўтказиш таклифи** алоҳида аҳамиятга эга.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш — фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, у давлат фаолиятининг муайян шаклларида, жумладан барча турдаги ва даражадаги таълим тизими, малака ошириш тизимлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятида ифодаланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бу борада тизимли ва комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Унинг “йўл харитаси”да белгиланган тadbирлар бажарилмоқда.

* Адҳамбек Рашидбеков — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

Президентимиз фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияга алоҳида урғу берилган. Бу борада мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда, шунингдек олийгоҳларда “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув курсларини жорий этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази қошида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини оширишга йўналтирилган ўқув курслари ташкил этилган. Ушбу курслар БМТнинг бир қатор йирик тузилмалари ҳамда ЕХХТ лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Хусусан, 2020 йил декабрь ҳолатига кўра, унда 500 дан ортиқ раҳбар кадрлар тингловчи сифатида иштирок этиб, ўз малакасини оширди.

Шунингдек, 2020 йилда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта ҳисса қўшган, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим-тарбия ишларида ҳамда жамиятда инсон ҳуқуқлари қарор топишида фаол бўлган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони таъсис этилди. Ўтган йилнинг 10 декабрь санасида – Халқаро инсон ҳуқуқлари

кунида ушбу кўкрак нишони билан фуқаролик жамияти институтлари, таълим муассасалари, давлат органларининг 12 нафар вакиллари тақдирланди.

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган бир даврда миллий ҳуқуқий тизимни тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва малакали юридик кадрларни тайёрлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро тузилмалар билан яқин шериклик кенгаймоқда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан амалий мулоқот йўлга қўйилди.

2018 йилда Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми, 2020 йилда “Ёшлар – 2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида Самарқанд веб-форуми бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияни юксалтириш масаласи ушбу тадбирларнинг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг глобал форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг манتيкий давоми бўлиб, бу борада таълим ва тарбия ишларини мазмунан бойитишга ҳамда юқори сифат даражасига олиб чиқишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ КАФИЛИ

Фахри РАХИМОВ*

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолининг турмуш тарзи фаровонлигини ошириш, давлат тизимида махсус мурожаатларни ҳал этиш тузилмаларини тузишга қаратилган устувор вазифаларнинг амалий ижроси тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ёритилган. Қуролли тўқнашувлар бўлаётган давлатларга турли йўللار билан чиқиб кетган ватандошларимизни Ўзбекистонга қайтариш борасида амалга оширилган ишлар мисоллар орқали баён қилинган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат бошқаруви, фуқаролар мурожаатлари, “Меҳр” операцияси, қонунийлик ва адолат.

Abstract. This article deals with the practical implementation of priority tasks aimed at ensuring human rights in the Republic of Uzbekistan, improving the well-being of their way of life, protecting the rights of citizens and individuals, and creating structures for solving special appeals in the state system. Also, attention to the appeals of citizens is paid at the level of state policy. The article describes practical examples of the work carried out to return to Uzbekistan in various ways our compatriots who left for countries where armed conflicts took place.

Key words: human rights and freedoms, public administration, citizens' appeals, operation “Kindness”, legality and justice

Аннотация. В статье анализируется практика реализации приоритетных задач, направленных на обеспечение прав человека в Республике Узбекистан, повышение благосостояния граждан, защиту их прав, создание в государственной системе структур для решения специальных обращений. Внимательное рассмотрение обращений граждан возведено в стране в ранг государственной политики. Приводятся примеры проводимой работы по возвращению в Узбекистан различными способами наших соотечественников, выехавших в страны, в которых имели место вооруженные конфликты.

Ключевые слова: права и свободы человека, государственное управление, обращения граждан, операция “Доброта”, законность и справедливость.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосини ташкил этмоқда.

Давлат раҳбарининг бутун фаолияти мамлакат осойишталиги ва халқ тинчлигини сақлаш, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга қаратилган. Ушбу фаолиятни чет эл мутахассислари ҳам эътироф этишмоқда. Бу йўлда иқтисодиётни юксалти-

риш, янги иш ўринлари яратиш, ёшлар тарбияси ва уларнинг билимларини оширишга йўналтирилган тадбирлар тизимли ҳамда кенг қамровда ўтказилмоқда. Мамлакатда, айниқса, фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фуқароларнинг мурожаатларида билдирилаётган талабларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш, ҳал этиш мамлакатда демократик бошқа-

* Фахри Рахимов – Бош прокуратура Академияси профессори, юридик фанлар доктори.

рувни амалга ошириш сиёсатининг такомиллашувига олиб келди. Бу йўлдаги давлат бошқаруви ва сиёсатини тизимли, қонун ҳужжатлари асосида олиб бориш мақсадида қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Янги таҳрирдаги **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Қарори** шулар жумласидандир.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари қисқа даврдаги фаолияти давомида аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланганини эътироф этиш жоиз. Ушбу мурожаатларга алоҳида эътибор билан қараш механизмлари яратилди, аризадаги вазиларнинг барчаси тегишли тартибда ўрганилиб, қонуний ҳал этилмагунча назоратда бўлиши тартиблари амалга киритилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг мурожаатларига давлат органлари ва мансабдор шахслар муносабатларини тубдан ўзгартирди.

Хусусан, юқорида таъкидланган қарор асосида фаолият юритаётган Халқ қабулхоналарига фуқароларнинг ишончи орта бошлади. Халқ қабулхоналарининг асосий вазифалари сифатида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими амал қилишини таъминлаш кабилар белгиланди.

Таҳлилларга қараганда, 2020 йилда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 1 миллион 196 минг 370 дан зиёд мурожаат (ойига ўртача 99,7 мингта, 1 кунда – 3,2 мингта) келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 58 фоизи (693,9 минг) ижобий ҳал қилиш ва ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ўз ечимини топган¹.

Фуқаролар мурожаатларига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг эътибори кучайганини мурожаатлар сони кўпайганлигидан ҳам билса бўлади. Мурожаатларнинг қонуний ҳал бўлаётгани натижа-сида фуқароларнинг давлат органларига ишончи ортди ва аҳолининг ўз муаммоларини ҳал этиш мақсадида Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаат этиши анчагина кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили экани белгиланган².

Айтиш ўринлики, мамлакатимизда Конституциявий нормаларнинг амалий ижросини таъминлаш йўлида ҳам муҳим ҳаракатлар қилинмоқда.

Юқорида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида уларнинг мурожаатларига тегишли масалалар юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилаётганлигини айтиб ўтдик.

Республика Президенти нафақат мамлакат ҳудудидаги фуқароларнинг, балки хорижий давлатлардаги Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафили сифатида ҳам гавдаланади.

Бундай кафолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасида баён этилган Республика Президентининг қасамёдида ҳам ўз аксини топган³.

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 22-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди”⁴, дея белгиланган.

¹ Қаранг: <https://yuz.uz/news/2020-yilda-prezident-xalq-qabulxonalariga-1-milliondan-ortiq-murojaat-kelib-tushgan>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/20596>.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган айнан шу қоидаларга риоя қилган ва ижросини ўз зиммасига олган Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев қасамёдига содиқ қолиб, нафақат мамлакатда, балки чет давлатларда ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилишни таъминлаш чораларини кўриб келмоқда.

Ҳар хил ножўя йўллар билан мамлакатдан чиқиб кетиб, жангарилар сафида турли давлатлардаги уруш ҳудудларида бўлган фуқароларимизнинг фарзандлари ва аёлларини ҳимоя қилишга давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу инсонларнинг, гўдакларнинг тақдирига мамлакат ҳам, унинг Президенти ҳам бефарқ эмаслигини дунё аҳли кўз олдида намоён этмоқда. Зеро, Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳимоясида бўлиб, уларнинг манфаати, шаъни, кадр-қимматининг топталишини бартараф қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина нуқталарида давлатлараро, ҳатто бир давлат доирасида ўзаро урушлар бўлиб тургани сир эмас. Сурия, Ироқ, Ливия, Афғонистон ва бошқа қатор давлатларда ҳозир ҳам нотинчлик ҳукмрон. Айрим давлатлардаги урушлар “диний келишмовчиликлар” соясида юзага келган. Масаланинг асл моҳияти эса бутунлай бошқача: бойлик, мансаб, давлатга эгалик қилиш кабиларга бориб тақалади. Баъзи ватандошларимиз қинғир йўллар билан мамлакатдан чиқиб кетиб, моҳиятан тубан мақсадларни кўзлаган бундай можароларга аралашиб қолганлар. Бу кимсалар ўйловсиз ҳаракатлари орқали ўз ҳаётларини барбод этиш билан бирга, фарзандлари ва аёлларини ҳам уруш ҳудудларига олиб бориб, офат гирдобига ташлаб, хорликка дучор этмоқдалар. Ҳозирги кунда қанча хотин-қизлар, гўдаклар у ерларда нобуд бўлгани, қанчаси бедарак йўқолгани тўғрисида аниқ маълумотни бериш жуда қийин.

Ватанни тарк этиб, неча йиллардан буён тинимсиз уруш кетаётган бошқа юртларга “яхши ҳаёт”ни қидириб, ўйлаб топилган “жиҳод” юриши қилиб, ўзи билан ёш болалари-ю, онаси, опа-сингиллари ва турмуш ўртоғини, олиб бориб оловларга дучор қилган оила бошлиқларини ким деб аташ мумкин?

Республика Президенти қирғинбарот уруш кетаётган давлатлардан ўзбекистонлик болалар ва хотин-қизларни олиб келишнинг қонуний чорала-

рини кўриш бўйича тегишли ваколатли идораларга топшириқ берди.

Уруш майдонларидан одамларни олиб чиқиш тадбирларини амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Тегишли ташкилотларнинг уйғунликдаги, ҳам-жиҳатликдаги саъй-ҳаракатлари билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун қанча учрашувлар, келишувлар, музокаралар ташкил этилди. Уруш кетаётган катта-катта давлатлардан юртдошларимиз бўлган ёш болалар ва хотин-қизларни қидириб топиш, аниқлаш ва уларни олиб келиш тез ва осон бўлмагани аниқ.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва назорати остида айбсиз гўдаклар ва хотин-қизлар бир неча босқичдан иборат “Меҳр” деб номланган инсонпарварлик операциялари орқали қутқарилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакат Президентининг бурча садоқатини, масъулиятини, меҳрибонлигини ва бағрикенглигини кўрсатди. Ушбу тадбирлар “ҳарбий тактик операция” кўринишида амалга оширилди. Уруш ҳудудларидан ватандошларимиз бўлган кўплаб болаларни ва хотин-қизларни олиб чиқиб кетишга қаратилган “Меҳр” операциялари ҳозирга қадар 5 марта ўтказилди. Бу тадбирлар доирасида 2019 йилнинг май ойида Суриядан, октябрь ойида Ироқ давлатидан жами 220 нафар юртдошларимиз — аёллар ва болалар “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” дея номланган инсонпарварлик операциялари натижасида Яқин Шарқда жойлашган жанг кечаётган ҳудудлардаги лагерлар ҳисобланган “қайноқ нуқталар”дан олиб келинди.

Аслида мазкур ҳудудларни “қайноқ нуқта” дейиш ҳам бу юртларнинг мудҳиш ҳолатини тўлиқ очиб бермайди. У жойларни олов ёниб турган жаҳаннамга, катта офатлар гирдобига қиёслаш мумкин. Бу ҳудудлар кўпгина давлатларнинг янги қурулларини синаш полигонига айланди, деса ҳам бўлади.

Фуқароларимизни бу жойлардан олиб чиқиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқидаги “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили билан ҳамоҳанглигини алоҳида эътироф этиш даркор.

Уруш майдонларидан қайтариб олиб келинган аёллар, айниқса, ёш болаларнинг кечмишлари

ниҳоятда ачинарли. Ҳаракатлари оқибатларини англаб етмаган бу фуқароларнинг бегона ва уруш бўлаётган ҳудудларга чиқиб кетишларининг энг катта сабаби – уларнинг билимсизлиги, алданганлиги, “рахнамо”ларининг ўзи ҳам диний саводсиз эканидан бошқа нарса эмас. Шу ҳаракатларни кўра билса содир этиш, ўз фарзандлари, хотини, опа-сингиллари, ҳатто ўз оналарини ҳеч қандай алоқаси йўқ давлатларга олиб бориб, хўрликларга дучор қилиш бирор-бир ақлга сиғмайдиган ҳаракатдан бошқа нарса эмас. Олиб келинган аёллар билан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлдики, уларнинг аксарияти саводсиз ва ҳеч қаерда ишламаган, диний билимлари ҳам бўлмаган, фақат айрим диний амалларни юзаки такрорлашни билганлар, холос. Бу аёлларга “рахнамо”лик қилганлар эса ўзлари ташвиқот қилган ислом дини талаблари ва фарзларидан етарли даражада хабардор бўлмаган. Агар улар бундан хабардор бўлганларида, жангларнинг асл моҳиятини билганларида динининг “ҳимояси” учун бегона юртларга кетмасдилар. Аслида Ироқ, Сурия, Ливияда ким кимга қарши урушаётганлигини, учинчи давлатларнинг иштироки сабаби нима эканлигини билиб ҳам бўлмайди.

Мамлакатимиздан у ерларга бориб қолганлар реал ҳаётдан бутунлай узилган бўлиб, урушни енгилтаклик билан баҳолаганлар, юртдан кетиш ҳаракатларининг оқибати нима эканлигини англаб етмаганлар. Аёллар Сурия ва Ироқдаги бир диндаги инсонларнинг ўзаро қуролли тўқнашувлари моҳиятини баҳолашга ожизлик қилганлар. Кўр-кўрона эркакларга бўйсуниб, тақдирларига тан берганлар. Уларнинг нақадар ожизлигини турмуш ўртоқлари вафот этса, бошқа эркакка турмушга беришларига қаршилиқ ҳам қила олмаганларидан билса бўлади.

Агар мамлакат раҳбари Ўзбекистон фуқароларининг бегона юртларда бундай тарзда ҳўрла-

нишига ўз муносабатини амалий тадбир билан билдириб, уларни олиб келиш чораларини кўрмаганида, шунча аёллар, гўдаклар ўзга юртларда йўқ бўлиб кетар эди.

Давлат “Меҳр” инсонпарварлик тадбирининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи босқичларини ҳам амалга оширди. Мамлакатимиз раҳбари барча имкониятларни, раҳбарлик ва дипломатик қобилиятини, иқтидорини, ташаббусини амалга ошириб, “Меҳр-3” операциясини 2020 йил декабрда, “Меҳр-4” операциясини 2021 йилнинг март ойида, “Меҳр-5” операциясини эса 2021 йилнинг май ойида амалга оширишга эришди. **Шундай қилиб, чет элларда тақдири даргумон бўлган 500 га яқин Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимизга қайтариб олиб келинди.**

“Меҳр” операциялари доирасида олиб келинган болалар ичида 21 нафари чин етим. Уларнинг на отаси, на онаси бор. Уларнинг ота-оналари ўша юртларда бедарак йўқолиб кетган ёки вафот этган. Бу болаларнинг аксарияти 20 ёшга тўлмаган. Жангариларнинг энг дахшатли усулларидан бири бу болаларни болагидан ўлимга тайёрлаш бўлган. Шунингдек, уларни қулликка сотиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Агар бу болалар у ёқлардан олиб келинмаганида эди, уларнинг тақдири ҳам ота-оналарининг тақдирига ўхшаб яқунла-нишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Энди эса, бу болаларнинг келажаги давлатимиз ғамхўрлигида бўлади.

Мухтасар айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тамойили асосида яратилган, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси давлат ҳимоясида, деган эзгу ғояга хизмат қиладиган қонунларимиз нотинч эллардан қайтарилган ватандошларимиз фаровон диёримизда барча ҳамюртлари қатори тинч ва эмин-эркин ҳаёт кечиришини кафолатлайди.

АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Гулнора МАРУФОВА*

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи халқимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу воқеликнинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, мустақил Ўзбекистон илк маротаба ана шундай нуфузли халқаро анжуманда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида иштирок этди.

Албатта, сўнгги йилларда янгиланиб бораётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, олиб борилаётган ошкоралик сиёсати халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланиб, мамлакатимиз қатъий, чуқур ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг янги босқичига қадам қўйди. Айниқса, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борадаги қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, халқаро мажбуриятларни бажариш ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш Ўзбекистон олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг пировард мақсадига айланди.

Хусусан, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, “Меҳр-1”, “Меҳр-2”, “Меҳр-3” инсонпарварлик операциялари орқали дунёнинг энг қайноқ уруш ўчоқлари ва нотинч ўлкаларидан аёллар ва болаларнинг юртимизга олиб келингани, улар учун зарурий шароитлар яратиб берилгани юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган одилона сиёсатнинг бир тимсолидир.

Муҳтарам Президентимиз мазкур нутқида бу масала юзасидан ўз фикрларини билдирад экан,

Ўзбекистоннинг Кенгаш доирасидаги фаолиятининг устувор йўналишларини маълум қилди ва мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилгани, бу янгиланишлар энди сира ортга қайтмаслигини қатъий таъкидлади. Хусусан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туришини, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилишини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, гендер сиёсати масалалари, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган изчил ислоҳотларнинг давом эттирилиши, бу йўлда эса халқаро ҳамкорлик янада кенгайтирилиши, шубҳасиз, ушбу нуфузли анжуманда янграган энг муҳим фикрлардан бири бўлди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда гендер сиёсати масалалари, хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, эҳтиёжманд ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Хусусан, юртимизда оилавий зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга “ҳимоя ордери” берилиши мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қўлга киритилган салмоқли ютуқлардан бири бўлди.

Бундан ташқари, бугун мамлакатимизда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига

* Гулнора Маруфова – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари.

тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича ўзига хос тизим яратилди.

Рақамларга эътибор берсак, 2016 йил юрти-мизда раҳбар аёллар сони 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоизга етди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини, Сенат аъзоларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Шунингдек, 339 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, 2 мингдан ортиқ давлат мукофотларига муносиб қўрилган хотин-қизларни жамият, маҳалла ҳаётидаги ишларга кенг жалб қилиш, уларни ҳимоя ва қўмакка муҳтож хотин-қизларга бириктирган ҳолда шароити оғир ижтимоий қатламдаги аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида самарали ишлар йўлга қўйилди. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган хотин-қизларни тақдирлаш учун “Мўътабар аёл” қўрак нишонининг таъсис этилгани хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қўшимча имкониятларни яратиб берди. 2019 йилда 290 нафар, 2020 йилда 297 нафар фаол хотин-қизлар ушбу қўрак нишони билан тақдирланди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича “Раҳбар аёлнинг бир куни”, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари иштирокида “Ислохотлар ва юрт тараққиётига ме-нинг ҳиссам” мавзусидаги онлайн конференцияларни ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Республика, 14 та ҳудудий ва 204 та туман (шаҳар)ларда “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар тажрибаси” мавзусида аёллар форуми ўтказилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ўрганиш жараёнида 433 мингга яқин хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди ва бугунги кунга келиб, ушбу дафтардаги

80 минг 175 нафар аёлнинг муаммолари ўрнатилган тартибда ҳал этилди. 30 ёшдан юқори бўлган 11 минг нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан 1 трлн сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилишига қўмаклашилди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 3 минг 335 нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳалари учун 70 млрд 922 млн сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди. “Аёллар дафтари”га киритилган 3 минг 389 нафар ёрдамга муҳтож оналар ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ёрдам кўрсатилди.

1 минг 246 нафар хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 21 млрд 746 млн сўм миқдоридаги бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 42 нафар хотин-қиз кафиликка олинди ва муддатидан олдин жазодан озод этилди.

57 минг 217 нафар аёлларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ногиронлиги бўлган 2 минг 425 нафар хотин-қизларга 1,9 млрд сўмдан ортиқ маблағлар эвазига ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси ва бошқа реабилитация воситалари берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг билим олиш имкониятини кенгайтириш учун жорий этилган янги тизим асосида 18 минг 628 нафар хотин-қизларга олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этишлари учун тавсияномалар берилди, шундан 950 нафари олий таълим муассасаларига грант асосида талабалikka қабул қилинди. Жорий йилда ушбу қабул квотаси 2 бараварга қўпайтирилиши белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари ўз нутқи давомида Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилиши ва фаол илгари суришини билдириб ўтди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК СОҲАСИДА ГЕНДЕР СИЁСАТИ

Жасур ИСЛАМОВ*

Аннотация. Мақолада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, гендер тенглик, зўравонлик.

Abstract. The article provides a scientific and theoretical analysis of the problems of realizing the rights and freedoms of women, as well as issues of identifying and eliminating conditions conducive to their occurrence, proposals and recommendations are developed.

Key words: women's rights, gender equality, violence.

Аннотация. В статье проводится научно-теоретический анализ проблем реализации прав и свобод женщин, а также вопросов выявления и устранения условий, способствующих их возникновению, разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: права женщин, гендерное равенство, насилие.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича барча имкониятлар ҳамда ҳуқуқий кафолатлар яратилган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини устувор қадриятлардан бири сифатида ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев табири билан айтганда, “Биз гендер сиёсати масаллари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни катъий давом эттирамиз”¹.

Гендер тенглиги тамойилини нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам фаол қўллаб-қувватлайди.

БМТнинг 1999 йил 17 декабрдаги резолюциясида 25 ноябрь – Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш куни сифатида белгиланган. Мазкур резолюция орқали ҳукуматлар, БМТ тизимидаги муассасалар, халқаро ва нодавлат ташкилотларга аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш масаласидаги тадбирларни мунтазам ташкил этиш тақлиф этилган.

Мамлакатимизда гендер тенглиги тамойили Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”², дея қайд этилган. Бош Қо-

* Жасур Исламов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибияти сектор мудир.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>.

мусимизнинг 46-моддасида, “Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар”³, дея белгиланган.

БМТнинг 1995 йил 6 майда қабул қилинган “Хотин-қизлар камситилишининг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисида”ги, 1997 йил 30 августда қабул қилинган “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган⁴.

Айниқса сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бир қанча қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Масалан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (07.03.2019 йил, ПҚ-4235-сон);

– Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (02.09.2019 йил, ЎРҚ-561-сон);

– Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (02.09.2019 йил, ЎРҚ-562-сон);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (04.01.2020 йил, 3-сон) ва бошқалар.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг ҳимояси янада кучайтирилди, қонуний кафолатлари мустаҳкамланди.

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентнинг ҳам роли ортиб бормокда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди.

Парламент томонидан бугунги кунда гендер тенглик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган ҳалқаро ҳужжатлар нормаларининг амалиётга жорий этилиши ҳамда унда белгиланган тавсиялар ижроси юзасидан мониторинглар олиб борилиб, жойларда аҳоли, жумладан хотин-қизлар билан бевосита мулоқот қилиш орқали гендер тенглик масалалариға оид ҳақиқий аҳвол ўрганилиб, бу борада аниқланган муаммолар парламент назорати орқали ечилмокда.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналади.

2020 йил давомида Вакил номиға Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами 14 минг 975 та мурожаат келиб тушди.

Мурожаатларнинг 45,3 фоизи хотин-қизлар томонидан юборилган бўлиб, ушбу ариза ва шикоятлар уларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари билан боғлиқ.

Вакилга хотин-қизлардан бўлган мурожаатларнинг аксарияти Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Чилонзор ва Яшнобод туманлари, Тошкент вилоятининг Олмалик, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарлари, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ва Косон, Чироқчи, Шаҳрисабз туманлари, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва Денов, Сариосиё туманлари, Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Каттақўрғон, Пастдарғом, Нарпай туманлари ҳамда Фарғона вилоятининг Фарғона ва Кўкон шаҳарлари ҳиссасига тўғри келмокда.

Мазкур мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра:

- бино-иншооти бузилиб, ер майдони олиб қўйилган ва тўланмай қолган 991 млн сўмлик компенсация пуллари, суднинг қарори билан ундирилиши керак бўлган 723 млн 96 минг 132 сўмлик бошқа тўловлар, 54 нафар хотин-қизга вояға етмаган фарзандларининг таъминоти учун жами 176 млн 463 минг 797 сўм алимент пуллари ва 53 млн 886 минг 621 сўм ойлик иш ҳақларининг ундириб берилишида;
- 53 та кам таъминланган оилаға юз миллиондан ортиқ нафақа ва моддий ёрдам пуллари тайинланишида ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказилишида;
- 25 нафар хотин-қизға турар жой ҳамда ер майдони ажратиб берилишида;
- 6 нафар хотин-қиз иш билан таъминланишида;
- 5 нафар хотин-қизнинг ишға қайта тикланишида;
- 5 нафар хотин-қизға бепул малакали тиббий ёрдам кўрсатилишида;
- 4 та кам таъминланган оилаға уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш жиҳозлари тақдим қилинишида;
- умумий қиймати 30 млн сўмлик кредитни расмийлаштиришда кўмак кўрсатилди.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>.

⁴ А.Ғафуров, А.Мўминов, М.Тиллабаев. Инсон ҳуқуқлари: ўқув қўлланма / масъул муҳаррир: Р.С.Қосимов. – Т.: “Baktria Press”, 2012. – 72-б.

Шунингдек, жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 18 та қарор бекор қилинди, 5 та ҳолатда хотин-қизларга нисбатан оилада тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир этилганлиги сабабли жиноий иш қўзғатилди.

Хотин-қизлардан 2020 йил давомида оилани ҳимоя қилиш билан боғлиқ 471 та мурожаат келиб тушди.

Бундай мурожаатларнинг аксарияти Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани, Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Каттақўрғон тумани ҳиссасига тўғри келмоқда⁵.

Мазкур мурожаатларни ўрганиб чиқиш натижасида бир қатор муаммолар ҳамда камчиликлар аниқланди.

Биринчидан, аксарият мурожаатларда хотин-қизларга нисбатан жисмоний зўравонлик қилиш жиноий жазоланадиган қилмиш бўлишига қарамай, амалиётда аёлларга нисбатан, айниқса, оилавий-маиший ҳаётда зўравонлик ҳолларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари томонидан старлича эътибор берилмаётганлиги таъкидланмоқда. Ўрганишлар натижасида аёлларга нисбатан ўта оғир даражадаги зўравонликлар содир этилган, жумладан жисмоний куч, зўрлик ишлатиб номусига тегилган, танасининг турли қисмига жароҳат етказилган, ҳатто аёлни ҳомиласи нобуд бўлган ҳолларда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиб, айбдор шахснинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги асос қилиниб, жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги аниқланди.

Иккинчидан, қонуний никоҳсиз, фақатгина шаръий никоҳ асосида оила қуриш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса оиланинг мустаҳкамлигига тўсқинлик қилмоқда, оилага дарз кетганда аёлларнинг қийин вазиятга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, қонуний никоҳдан ўтиб, келин бўлиб тушганига бир неча йил бўлган, ҳатто фарзандлари туғилган бўлса-да, аёлларнинг келин бўлиб тушган хонадон аъзолари рўйхатига киритилмаслик ҳолатлари мавжуд.

Тўртинчидан, алимент тўловларининг ўз вақтида амалга оширилмаслиги натижасида аёллар ва фарзандларининг ҳуқуқлари бузилмоқда.

Бешинчидан, қонунчиликда никоҳ давомида эр-хотинга совға тариқасида берилган мулк уларнинг

никоҳ даврида орттирилган умумий ёки шахсий мулк эkanлиги масаласи аниқ белгиланмаган.

Олтинчидан, ҳимоя ордери берилган бўлишига қарамасдан тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан оилада аёлга нисбатан такроран зўравонлик ҳолатлари содир этилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ҳамда қонунчилик амалиётини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

– Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасига, “Эр ва хотинга никоҳ давомида маҳаллий урф-одат ва анъаналарга асосланиб совға тариқасида берилган мулк уларнинг умумий мулки ҳисобланади”, деган қўшимча киритиш керак;

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддасига асосан, “Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйилиши, худди шунингдек фуқаролар томонидан ўз турар жойларида шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшашига йўл қўйилиши, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади”⁶. Бироқ ушбу норма эрнинг ота-онасига нисбатан амалда деярли қўлланилмайди. Ушбу масалани ҳал этиш учун уй-жой эгаси 6 ой мобайнида уйга киритилган оила аъзосини рўйхатга қўймаган тақдирда мажбурий тарзда маъмурий жавобгарликка тортилишига доир қонуний механизмни жорий этиш таклиф қилинади.

– Судлар томонидан никоҳни бекор қилиш иши қўриб чиқиладиганда, оилада камида бир нафар фарзанд бўлганда, она ва болани уй-жой билан таъминлаш мажбурияти, шунингдек уй-жойнинг алоҳида кириш-чиқиш йўлаклари борлиги ҳамда унда яшаш учун барча зарурий шарт-шароитлар мавжудлиги инобатга олиниши лозим.

– Тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин ушбу ҳолат такроран содир этилган бўлса, жиноий жавобгарлик масаласини қонунчиликка киритиш зарур.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2020 йилда амалга оширган фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган маълумотлардан фойдаланилди.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси / <https://lex.uz/docs/97664>.



Ўзбекистонда гендер тенглик



Кенг кўламли ислохотлар даври (2016 – 2021 йиллар)



Мамлакатимизда 2016 – 2021 йилларда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили асосида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига доир **20 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат**, шу жумладан **2 та қонун**, Президентнинг **4 та фармони** ва **1 та қарори**, Вазирлар Маҳкамасининг **13 та қарори** қабул қилинди.

2

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси тузилди. 2020 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида **гендер тенгликка эришиш стратегияси** лойиҳаси тайёрланди.

3

2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

4

2019 йил 7 мартда Президентнинг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

5

2019 йил августда Тошкентда зўравонликдан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази очилди. 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Маълумот учун:

Хотин-қизлар учун **2019 – 2021 йилларда 197 та** ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш, зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича **200 дан ортиқ** инновацион мактаблар ташкил этилди.



6

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” ишлаб чиқилди.

7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майда “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Маълумот учун:

- Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази тугатилди;
- Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди;
- Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, ҳудудий ва туманлараро 29 та намунали марказ ташкил этилди.



СЎЗ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ: ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Ғулом МИРЗО*

Сўз эркинлигисиз демократия ҳам, инсон эркинлиги ҳам бўлмайди. Сўз эркинлиги – авваламбор, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи, ахборот эркинлиги – бу ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқидир.

Инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ҳар қандай ҳолатда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниши зарур. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари глобал ҳуқуққа айланди. Академик Акмал Саидов қайд этганидек, “Матбуот эркинлиги 3 даражада:

биринчидан, давлат даражасида, яъни миллий қонунларда;

иккинчидан, ҳар бир минтақа даражасида – минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда;

учинчидан, глобал даражада – дунё микёсида қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тан олинган универсал шартномаларда ўз аксини топган”¹.

Халқаро ҳуқуққа кўра, сўз эркинлиги фундаментал ҳуқуқлар сирасига киради. Шунга қарамай, у мутлақ, абсолют ҳуқуқ эмас.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган БМТнинг – 100 га яқин, ЮНЕСКОнинг – 60 дан ортиқ, Европа Кенгашининг – 200 дан зиёд, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг – 30 дан ортиқ халқаро конвенция, декларация ҳамда пактларида сўз ва фикр эркинлиги соҳалари ҳам халқаро-ҳуқуқий тартибга солинган.

Хусусан, **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси** 19-моддасига мувофиқ, “**Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қи-**

лиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”².

Ушбу моддадаги сўз ва фикр эркинлигига доир қоида **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт** 19-моддаси 2-бандида қуйидаги тарзда ифодаланган: “**Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёхуд ифодалашнинг бадий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини камраб олади**”³.

Бу ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бундай мажбуриятлар айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва муайян сабабларга кўра тақозо этилиши лозим.

Мазкур халқаро пактнинг 19-моддаси 3-бандида иккита ана шундай сабаб кўрсатилган. Яъни, бу борадаги ҳуқуқларга, биринчидан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун; иккинчидан, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун қонун асосида чеклашлар кўзда тутилиши мумкин⁴.

Халқаро пактнинг 20-моддаси 1-бандига биноан, “**Урушни ҳар қандай тарғиб этиш қонун орқали тақиқланиши керак**”⁵. Ушбу модда-

* Ғулом Мирзо – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

¹ Акмал Саидов. Сўз эркинлиги – тараққиётнинг зарур шarti // А.Саидов, Ғ.Мирзо. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 4-б.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир. А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2002. – 51-бет.

³ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир. А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2002. – 62-бет.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

нинг 2-бандига кўра, **“Камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан тақиқланган бўлиши лозим”**⁶.

Бошқача айтганда, агар сўз ва фикр эркинлиги нафрат, инсонни камситишга ундаш, қасд олиш ёки зўравонлик тарғиботи учун қўлланилса, у қонунийлик мезонлари асосида қатъий чекланиши мумкин. Шу ўринда халқаро ҳуқуқда “нафрат” сўзининг аниқ таърифи келтирилмаганига қарамай, сўз эркинлиги ва нафратнинг тарғиботи чегаралари қаерда эканлигини аниқлаштирувчи халқаро стандартлар ва ҳуқуқий асослар мавжудлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 13-моддасида қуйидаги қоида белгиланган: **“Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади”**⁷.

Конвенцияда бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи бир чеклашларга дуч келиши мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ бундай чеклашлар: **“а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва шаънини ҳурмат қилиш учун; б) давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун”** фақат қонунда кўзда тутилган чеклашлардан иборат бўлиши зарур⁸.

Таҳлилларга кўра, айти пайтда дунё миқёсида 33-50 фоиз аёллар эрларининг калтаклаши, дўппослашдан азият чекади. Ҳар йили 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган ҳар бешинчи аёл ва қиз зўравонлик ҳақида хабар беради. Янги маълумотлар пандемия бошланганидан кейин аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик таҳдиди кучайганлигини кўрсатмоқда. Карантин чекловлари туфайли кўплаб зўравонлик қурбонлари ўз вақтида етарли даражада ёрдам олмаган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади⁹.

Шундай мураккаб шароитда гендер тенглик масаласи дунё миқёсида тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Янги Ўзбекистоннинг гендер сиёсати ҳақида сўз борганда, мамлакатнинг бугунги замонавий парламентида аёллар Қонунчилик палатаси депутатлари сафида – 32 фоизни ва Сенат аъзолари таркибида – 25 фоизни ташкил этишини таъкидлаш лозим. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг ТОП-50 мамлакатлари қаторига кирди¹⁰.

Шу муносабат билан 1967 йил 7 ноябрда қабул қилинган **Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларация**нинг, айтилган, сўз ва фикр эркинлиги билан боғлиқ талаблари ҳали ҳам долзарб эканига эътибор қаратиш ўринлидир. Жумладан, декларациянинг 3-моддасида қайд этилганидек, **“Аёлларнинг тўлақонли эмаслиги ғоясига асосланган тушунчаларга барҳам бериш ва одатлар ҳамда бошқа амалиётни тугатишга жамоатчилик фикрини тайёрлаш ва миллий интилишларни қаратиш мақсадида барча тегишли чоралар кўрилиши лозим”**¹¹.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 8-моддасида иштирок этувчи давлатлар зиммасига, жумладан, **“бутун жамиятнинг, шу жумладан оила даражасида ногиронлик масалалари бўйича билимини ошириш ҳамда ногиронларнинг ҳуқуқ ва кадр-қимматини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш”** мажбурияти юкланган. Бунда, хусусан, **“барча оммавий ахборот воситаларида ногиронларни ушбу конвенция мақсадларига мос тушадиган тарзда тасвирлашга даъват этиш”** зарурлиги белгилаб қўйилган.

Конвенциянинг 21-моддаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг фикр ва эътиқодни ифода этиш эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш имкониятларига бағишланган. Унга кўра, **“Иштирок этувчи давлатлар ногиронлар фикр ва эътиқодларини эркин ифода этиш ҳуқуқини, шу жумладан ушбу конвенциянинг 2-моддасида белгилаб қўйилган муомаланинг барча шаклларида ўз танлови бўйича фойдаланган ҳолда ахборот ва**

⁶ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2002. – 62-бет.

⁷ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2002. – 123-бет.

⁸ Ўша жойда.

⁹ Мухтарама Комилова. Нозик қалб эгалари //03.05.2021 //uza.uz/uz/

¹⁰ Қаранг: Янги Ўзбекистоннинг гендер сиёсати //03.05.2021 //uza.uz/uz/

¹¹ Қаранг: Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларация // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2002. – 142-бет.

ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради”¹².

Касб этикасига мувофиқ, барча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатган ва охир-оқибатда ёлғон ёки уйдирма бўлиб чиққан хабарларга раддия эълон қилиши тақозо этилади.

Шу маънода, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўзининг сессияларидан бирида давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларга зиён етказиши мумкин бўлган ёлғон ёки уйдирма маълумотларнинг тарқатилишига қарши чоралар кўришни тавсия этгани, қолаверса, шу тахлит ёлғон ёки уйдирма маълумотлар тарқатилган ҳолларда айрим давлатлар қонунчилигида чет мамлакатлар ҳукуматлари фойдаланиши мумкин бўлган раддия ҳуқуқи кўзда тутилмагани ва шу боис бундай ҳуқуқнинг халқаро микёсда белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ экани каби бир қатор муҳим жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, 1952 йил 16 декабрда **Халқаро раддия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияни** қабул қилган.

Конвенциянинг 2-моддаси 1-бандига асосан, **“Ахдлашувчи давлатлардан бири муайян ахдлашувчи давлатнинг ёки мазкур конвенция иштирокчиси ҳисобланмаган давлатнинг мухбирлари ёхуд ахборот агентликлари бир мамлакатдан бошқасига узатган ифорицион хабарлар ўзининг бошқа давлатлар билан муносабатларига ёки миллий шаъни ва кадр-қимматиға зиён етказиши мумкин деб тасдиқласа ҳамда шу давлатнинг ҳудудидан ташқарида чоп этилган ёхуд тарқатилган ушбу маълумотлар ёлғон ёки уйдирма ҳисобланса, у ўз ҳудудида ўша хабарлар чоп этилган ёхуд тарқатилган ахдлашувчи давлатларға тегишли фактлар юзасидан ўз версиясини (бундан кейин “коммюнике” деб аталади) тақдим этиш ҳуқуқиға эға”**¹³.

Ушбу коммюнике нусхаси бир вақтнинг ўзида тегишли мухбир ёхуд ахборот агентлигиға юборилади ва бу билан ўша мухбир ёхуд ахборот агентлигиға тегишли ифорицион хабарни тузатиш имконияти яратиб берилади. Конвенциянинг 2-моддаси 2-банди талабига кўра, бундай коммюнике фақат ифорицион хабарларға нисбатангина татбиқ этилиши мумкин ва унда ҳеч қандай танбеҳ ёки фикр-мулоҳаза баён этилмаслиги керак.

Айни чоғда, фикрни ифода этиш ва ахборот эркинлиги, эркин, мустақил ва фикрлар хилма-хиллигиға асосланган оммавий ахборот воситалари ҳамда очиқ ва фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган интернетнинг эркин ва адолатли сайловлар, жумладан, референдумлар ўтказишни таъминлашда, хусусан, жамоатчиликни партиялар, номзодлар ва уларнинг сиёсий платформалари билан таништириб боришда таянч аҳамият касб этади. Шу маънода, 2020 йил 30 апрелда **Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисидаги қўшма декларация** қабул қилинган жуда муҳимдир.

Бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг номида “қўшма декларация” ибораси қўлланилган бежиз эмас. Чунки у уч томон – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фикр эркинлиги ва уларнинг эркин ифода этилиши ҳуқуқини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалалар бўйича махсус маърузачиси, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили ҳамда Америка давлатлари ташкилотининг Фикрни ифода этиш эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси ташаббуси билан қабул қилинган.

Қўшма декларациянинг “Давлатларға тавсиялар” деб аталган биринчи бўлими 3-бандида қуйидаги қоидалар белгиланган:

“Давлатлар сайлов даврида фикрни ифода этиш эркинлигиға нисбатан қўлланиладиган ҳар қандай чекловлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонунчиликнинг учта мезони – кўзланган мақсаднинг қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва зарурийлиги талабларига жавоб бериши ҳамда қуйидагиларни назарда тутишни таъминлашлари тақозо этилади:

1) Оммавий ахборот воситаларини олдиндан цензура қилишға, шу жумладан оммавий ахборот воситаларининг веб-сайтларини маъмурий тарзда ёпиб қўйиш ёки интернетни ўчиришға йўл қўйилмайди.

2) Сайловолди ташвиқоти ҳуқуқининг ҳар қандай тарздаги чекланиши халқаро стандартлар, жумладан оддий фуқаролардан фарқли равишда, оммаға таниқли инсонлар ўз шахсиятиға қаратилган танқид ва ўз фаолиятиға бўлган синчков эътиборға нисбатан бағрикенглик би-

¹² Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция // А.Саидов, Ғ.Мирзо. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 24-бет.

¹³ Халқаро раддия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция // А.Саидов, Ғ.Мирзо. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 28-бет.

лан муносабатда бўлишларини талаб этадиган андозаларга мос келиши зарур.

3) Нотўғри ахборотга доир қонунлар умумий мазмунда ёки ноаниқ бўлиши, масалан, “сохта янгиликлар” ёхуд “ноҳолис ахборот” тақиқига доир нормаларни кўзда тутиши мумкин эмас.

4) Сайлов даврида ижтимоий фикр сўрови натижаларини ёритадиган оммавий ахборот воситаларига нисбатан киритиладиган ҳар қандай чекловлар ҳам юқорида тилга олинган учта мезонга қатъиян мос келиши шарт¹⁴.

Ўз навбатида, **Оммавий ахборот воситаларининг тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ирқчилик ҳамда апартеид ва урушга гижгижлашга қарши курашдаги ҳиссасига оид асосий принциплар тўғрисидаги декларация** муқаддимасида қайд этилганидек, “ахборот эркинлиги” инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисобланади ва эркинликнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ҳимоясига олган барча турлари учун мезон саналади. Мазкур декларациянинг 2-моддасига кўра, **“Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг таркибий қисми сифатида эътироф этиладиган фикр, уни ифодалаш ва ахборот эркинлигини амалга ошириш тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилidir”**¹⁵.

Маълумки, 2021 йил 3 майда соҳа вакиллари қўшалок байрам – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини ва ушбу санага асос солган тарихий Виндхук декларациясининг 30 йиллигини нишонладилар. Ушбу санани нишонлашдан кўзланган асосий мақсад – ахборот эркинлиги тамойилларини илгари суриш, дунёнинг барча минтақаларида ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги ҳолатига баҳо бериш, журналистлар эркинлиги ва мустақиллигига тажовузларнинг олдини олиш, касбий бурчини бажараётганда ҳалок бўлган журналистларни ёд этиш, уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Винд-

хук декларацияси Намибияда қабул қилинган 1991 йил 3 май санаси – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини деб эълон қилинган бежиз эмас. Чунки мазкур декларацияда баён этилган матбуот эркинлигини таъминлашга доир талаблар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йилда шу сананинг таъсис этилишига туртки бўлган.

Коронавирус пандемияси шароитида Виндхук декларацияси мезонларига қандай риоя этилмоқда? Бу борадаги ҳолатни дунё ва Ўзбекистон ҳаётидаги воқеликлар мисолида қиёсий таҳлил қилиш муҳим, деб ўйлаймиз.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳар йили кенг нишонланади. Аммо, 2020 йили илк бор Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини билан боғлиқ турли оммавий тадбирлар коронавирус пандемияси сабабли ўтказилмади.

Кейинги даврда коронавирус инқирози инсоният ҳаётининг кўплаб соҳаларига улкан зарар етказди ва бундай зиёнкорликда ҳали ҳам давом этмоқда. Бу оғир вазият, ўз навбатида, ҳатто дунё миқёсида сўз ва матбуот эркинлигига амал қилинишига ҳалал бераётгани кузатилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Антониу Гутерриш** Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб БМТ қароргоҳида ўтказилган тадбирда таъкидлаганидек, **“Аксарият оммавий ахборот воситалари дуч келаётган молиявий қийинчиликлар – пандемия туфайли журналистика соҳаси дучор бўлган энг оғир оқибатлардан биридир”**¹⁶.

БМТ Бош котиби қайд этишича, ўтган йили биргина газеталарнинг ўзига етказилган зарар дунё миқёсида 30 миллиард долларни ташкил этган. Шу маънода, айрим экспертлар пандемия инқирози матбуотнинг “бутунлай йўқ бўлиб кетиши”га олиб келишидан хавотир билдирмоқда.

Шунга қарамай, бундай ҳолатга йўл қўймаслик зарур, дейди Антониу Гутерриш. Зотан, ишончли далиллар асосида иш кўрадиган мустақил журналистика жамият манфаатларига хизмат қилади.

¹⁴ Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисидаги қўшма декларация // А.Саидов, Ғ.Мирзо. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 35-бет.

¹⁵ Оммавий ахборот воситаларининг тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ирқчилик ҳамда апартеид ва урушга гижгижлашга қарши курашдаги ҳиссасига оид асосий принциплар тўғрисидаги декларация // А.Саидов, Ғ.Мирзо. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 40-бет.

¹⁶ Генсек ООН: пандемия не должна привести к «вымиранию» свободной прессы // <https://news.un.org/ru/story/2021/04/1401912>.

Халқаро ҳамжамият дезинформация, яъни ёлғон ахборотга қарши кураш бўйича тизимли ва изчил иш олиб бораётгани жуда муҳим. Нега деганда, пандемия шуни яққол кўрсатдики, ишончли ахборотдан фойдаланиш – ҳар бир инсон учун нафақат ажралмас ҳуқуқ, айтиш чоғда, ҳаёт ва мамат масаласига ҳам айланди.

Журналистлар халқаро федерацияси маълумотларига қараганда, бутун жаҳонда журналистлар ўз даромадларининг кескин камайиши ва шу каби бошқа бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Жойлардаги мухбирлар ва “фрилансерлар”, яъни штатсиз ижодий ходимларнинг учдан икки қисми иш жойидан маҳрум бўлган ёки ваъда қилинган қалам ҳақини ололмаган.

Бошқа бир ижтимоий тадқиқот хулосасига кўра, сайёрамиздаги жами журналистларнинг 40 фоизидан ортигининг даромадлари тенг ярмига қисқарган. Бундай ташвишли ҳолатга, албатта, пандемия шароитида далиллар ўрнига ёлғон маълумотлар тобора урчиётгани сабаб бўлмоқда. Негаки, ҳақиқат уйдирмаларнинг панасида қолиб кетаётгани туфайли журналистлар ишончли йўқотмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг қарийб 70 фоизи пандемиянинг руҳий-маънавий таъсирига бардошли бўлиш улар учун, айтишга, қийин кечганини тан олган. ЮНЕСКО тадқиқотида аёл журналистларнинг рақамли маконда таъқибга учраш ҳолатлари сони кўпайгани аниқланган. Ижтимоий сўровда иштирок этган журналист хотин-қизларнинг 73 фоизи касб фаолияти билан боғлиқ тазйиқларга тез-тез дуч келиб туришини маълум қилган¹⁷.

Яна бир ташвишли ҳолат: бугунги глобал дунёда рақамли инқилоб ҳам кўплаб мустақил оммавий ахборот воситалари учун ҳалокатли роль ўйнамоқда, яъни уларнинг молиявий қашшоқлашишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида, айтишга, маҳаллий даражада юзага келаётган ахборот бўшлиғидан эса айрим сиёсий гуруҳлар фойдаланиб қолмоқда ва ўз манфаатларини илгари сурмоқда¹⁸.

Бутун дунёда 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни ва Виндхук декларациясининг 30 йиллиги санаси шу каби бир олам ташвишлар қуршо-вида кутиб олинмоқда.

Шунга қарамай, “Чегара билмас мухбирлар” нодавлат ташкилоти эълон қилган матбуот эркинлиги индекси бўйича 2021 йилги рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни сўнгги уч йил ичида илк марта пасайгани мамлакатимизда коронавирус туфайли “қўпга келган тўй” сифатида бефарқ қабул қилинмади. Бу жуда муҳим.

Шу муносабат билан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тезкор эълон қилган расмий баёнотда таъкидланганидек, **“Чегара билмас мухбирлар” нодавлат ташкилоти эълон қилган матбуот эркинлиги рейтингда Ўзбекистон 157-ўринда қайд этилди. Бироқ ташкилот томонидан юртимизда ахборот соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўлақонли ўз аксини топмагани ва муносиб баҳоланмагани афсусланарли**”¹⁹.

Назаримизда, рейтинг салбий натижаси ва расмий баёнотга муносабат билдиришдан тийилган ҳолда, мамлакатимизда матбуот эркинлигини таъминлаш борасида кейинги даврда амалга оширилган ишлар ҳақида мухтасар сўз юритган маъқул. Бунда 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни деб эълон қилинишига асос бўлган Виндхук декларацияси қоидаларига²⁰ таянамиз.

Виндхук декларациясининг 1-бандида қайд этилишича, **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасига мувофиқ мустақил, плюралистик ва эркин матбуотни таъсис этиш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш миллат демократиясини ва иқтисодий тараққиётини ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этади”**.

Бизнинг бу борадаги ёндашувимиз ҳам айнан шундай. Яъни, сўз ва матбуот эркинлиги – Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишидир. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор**

¹⁷ Пандемия может обернуться исчезновением свободной журналистики // <https://news.un.org/ru/story/2020/12/1393012>

¹⁸ Цифровая революция, пандемия и дезинформация: как спасти свободную прессу? // <https://news.un.org/ru/story/2021/04/1401692>.

¹⁹ Расмий баёнот /21.04.2021// <https://aoka.uz>.

²⁰ Қаранг: Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Виндхук декларацияси // А.Саидов, Ғ.Мирзо. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 114 бет.

гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби”²¹.

Виндхук декларациясининг 2-бандига кўра: **“Мустақил матбуот, деганда – биз давлатдан, сиёсий ва иқтисодий назоратдан, газеталар, журналлар ва даврий нашрлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун зарур материаллар ҳамда инфратузилмалар устидан назорат ўрнатилишидан мустақил бўлган матбуотни тушунамин”**.

Ўзбекистон Президентининг **“Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда. Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт”**²², деган фикрларидан ҳам худди шу мантиқ келиб чиқади.

Ушбу декларациянинг 3-бандига қайд этилганидек, **“Плюралистик матбуот, деганда – биз барча турдаги яккахокимликларнинг барҳам топишини ва жамиятдаги барча ранг-баранг фикрлар ифодасини ўзида акс эттирувчи газеталар, журналлар ва даврий нашрлар имкон қадар кўпроқ бўлишини тушунамин”**.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб **290 та хусусий ва идоравий интернет-нашрлар ташкил этилди**. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим расмий ахборотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тарқатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди шу мақсад йўлида изчил фаолият олиб бормоқда. Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси **“барча турдаги яккахокимликлар”дан холи равишда, яъни очиқ танловлар эълон қилиш орқали Ўзбекистондаги ННТ ва ОАВни мунтазам рағбатлантириб келмоқда**.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўз маблағларини, жумладан давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек тармоқ корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирмоқда.

Виндхук декларациясининг 4-бандига **“мустақил ҳамда плюралистик матбуот пайдо бўлиши учун тегишли муҳит”** яратиш билан боғлиқ ўзгаришлар эътироф этилган. Декларациянинг 5-бандига қайд этилишича, **“Демократияга ва ахборот ҳамда фикрни ифодалаш эркинлигига дунё миқёсида интилиш инсоният орзу-ниятларининг ижобати йўлида муҳим улуш ҳисобланади”**.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Виндхук декларациясида тилга олинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида тўла ўз аксини топганини таъкидлаш лозим. Ҳозирги вақтда мамлакатда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали **“туҳмат”** ва **“ҳақорат қилиш”** каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинди. Бу, шубҳасиз, айни соҳадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадмлардан биридир.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг янги тизими жорий этилди. Натижада кейинги 2-3 йил давомида қўллаб-вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эса биринчи марта ташкил этилди.

Бу тизим, бир томондан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига доир ахборотларни олиш борасида оммавий ахборот воситаларининг ишини тубдан енгиллаштирди.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

²² Ўша жойда.

Иккинчи томондан, ана шу ахборот хизматлари томонидан ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш мақсадида мунтазам матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этилаётгани, ҳаётимиздаги муаммо ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдирилаётгани, уларнинг веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, “мобиль мессенжерлар”даги саҳифалари янгилаб борилаётгани, ўз-ўзидан, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Давлатнинг очиқлик ва ошкораликни, сўз ва матбуот эркинлигини рағбатлантириш борасидаги изчил сиёсатига яна бир мисол: 2021 йил 1 майдан бир қатор молиявий маълумотларни ОАВ ва интернетда эълон қилиш амалиёти жорий этилди²³.

Бундай очиқ маълумотлар сирасига, **биринчидан**, давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари; **иккинчидан**, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи тегишли бўлган юридик шахслар харидлари; **учинчидан**, давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчиларига оид далил ва рақамлар киради.

Ҳар йили юртимизда журналистика соҳасидаги энг нуфузли халқаро танлов – “Олтин қалам” миллий мукофотининг тақдимот маросими айнан 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунда ўтказилиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Бу танлов давлат ташкилоти эмас, балки касбий жамоат ташкилоти, яъни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси шафелигида ўтказиб келинмоқда.

Шуни аччиқ бўлса ҳам, очиқ айтиш керакки, юртимизнинг айрим журналист ва блогерларида билим, профессионал малака ва баҳс маданияти етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларга бот-бот дуч келиб турибмиз. Бундай ҳолатлар жамоатчиликни ташвишга солаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Бу борада жаҳондаги етакчи медиа компанияларнинг кадрлар тайёрлаш ва улар билан ишлашга оид тажрибасини чуқур ўрганиб, чет эллик журналистлар билан тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш давр талабидир. Ўзбекис-

тон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, бошқа тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан айтилган соҳада олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар яқин орада ўз самарасини бериши тайин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Чегара билмас мухбирлар” нодавлат ташкилотининг жорий йилдаги ҳулосасида ҳам Ўзбекистон матбуот эркинлиги борасида муайян ютуқларга эришганига эътибор қаратилган. Буни эътироф этган ҳолда, санаб ўтилган баъзи бир муаммолар атрофлича ўрганилаётганини қайд этиш жоиз.

Айни вақтда кейинги уч йилдан буён мамлакатимизнинг тобора мустақамланиб борган сўз эркинлиги рейтингидagi ўрнини қайта тиклаш ва янада яхшилаш бўйича амалий ечимлар изланмоқда. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **“Биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораёмиз”**²⁴.

Шу билан бирга, **“Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттираёмиз”**²⁵, дейди давлат раҳбари.

Шундай қилиб, фикр ва сўз эркинлиги – ҳар қандай демократиянинг жон томири. Фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги ҳамда уни ифодалаш инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, **дунёнинг 13 фоиз аҳолиси, яъни ҳар 7 инсоннинг бири тўлақонли матбуот эркинлигини ёқлайди**.

Ана шу рақамлар таркибида ўзбекистонликларнинг овози кўпчиликни ташкил этишига ишонамиз. Чунки биз ҳам жаҳоннинг барча илғор халқлари қатори Виндхук декларацияси қоидаларини ҳурмат қиламиз ва қадрлаймиз. **ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле** таъбири билан айтганда, **“Журналистикани ҳимоя қилиш – ҳақиқатни ҳимоя қилишдир”**²⁶.

²³ Қаранг: <https://t.me/huquqiyaxborot/9606>.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.


²⁵ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция кўни муносабати билан байрам табриги / 07.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/3990>.

²⁶ Пандемия может обернуться исчезновением свободной журналистики // <https://news.un.org/ru/story/2020/12/1393012>.

МУҚАДДАС ХОТИРА

“ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИ” КИТОБИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА*



Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига жуда кўп оғир синовларни солган. Энг оғир паллаларда ҳам ота-боболаримиз сабр, матонат, ҳалоллик ва инсонийликнинг барча намуналарини кўрсатишган.

Бу синовлар халқимизни тоблади. Иккинчи жаҳон уруши — халқимизнинг инсонпарварлик, жасорат, сабр-тоқат, чидамлилиқ, чайирлик, меҳнатсеварлик, жасорат ва матонат тарихидир.

Иккинчи жаҳон урушида 1,5 миллион нафардан ортиқ халқимизнинг мард ўғлонлари жанггоҳларга сафарбар этилган. Уруш давомида Ўзбекистонда фронт орти полигони яратилган. Бу ерга 1 миллиондан ортиқ инсонлар кўчириб келтирилган. Урушда майиб-мажруҳ бўлиб қайтган ҳарбий зобит-аскарлар учун мамлакатимиз доволанадиган марказ вазифасини бажарган. 200 000 дан ортиқ етим қолган болалар эвакуация қилин-

ган. Уларнинг аксарияти ўзбекларнинг хонадонларига фарзанд сифатида қабул қилинган. Жами бир миллиондан ортиқ киши уруш жанггоҳларидан юртимизга кўчириб келтирилган. Улар ўзбек хонадонидида ҳурмат-иззатда бўлган. Уруш даврида бу ерга кўчириб келтирилган болаларнинг аксарияти бугун ёши катта онахон, отахонлардир. Улар Ўзбекистонда ўтган ёшлигини бир умр эслаб соғинишади.

* Шоҳиста Ўлжаева – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессори, тарих фанлари доктори.

Уруш жанггоҳларидан кўчириб келтирилган ўнлаб заводлар ҳарбий қурол-яроғлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Ҳосилдорликни ошириш учун янги-янги ирригация тизимлари қурилган. Экин майдонлари кенгайтирилган, миллионлаб гектар ерларда аёллар ва болалар меҳнат қилиб, ўзлари етиштирган озиқ-овқат маҳсулотларини эшелонларда мунтазам равишда урушга жўнатишган. Ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам ўша даврда уруш майдонларида жанг қилаётган аскар-зобитлар учун иссиқ кийим-кечаклар тўқишган. Ўша пайтда қурол-яроғ ишлаб чиқарадиган заводларга ва бошқа қисмларга электр-энергия захираси керак бўлган ва Иккинчи жаҳон уруши даврида қурилган ГЭСлар ва бошқа заводларда ҳам аёллар ва болалар меҳнат қилишган. Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинган, 12 соат ва ундан ортиқ меҳнат қилинган. Фронтга қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат, кийим-бош ва бошқа керакли нарсалар доимий жўнатиб турилган. Шундай бўлса-да, халқимиз ўша пайтларда оч-наҳор кун кўришган. Ўзлари етиштирган маҳсулотлар ўзларига берилмас эди. Қўлига қурол олишга яроқли ҳар бир эркак урушга сафарбар этилганди. Ҳатто баъзи маълумотларга кўра, қишлоқларда вафот этган кишиларни аёллар дафн қилишган экан.

Академик Акмал Саидов томонидан тайёрланган “Ғалаба боғи фалсафаси” китоби халқимиз тарихига кўрсатилган эҳтиром ва ўзига хос бебаҳо тухфадир.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда барча тарихий воқеаларга янгича назар солиш, уларни холис таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу китоб янги Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши тарихига янгича қарашлар, маълумотлар билан қувватланган энг илғор, мукаммал китобдир.

“Ғалаба боғи фалсафаси” китоби халқимиз жасорати, инсоний қадриятлари, сабр-матонати, одоби, юксак маънавияти ва қудрати рамзидир. Мангуликка дахлдорлик саҳифаларидир.

Тошкент шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси давлат сиёсатининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Унда ота-боболар ўтмишига, қаҳрамонлик тарихига ҳурмат-эҳтиром намунаси мужассам бўлган. Бундай бунёдкорона ёндашув Янги Ўзбекистоннинг шиддатли ислохотларига хос муҳим хусусият ҳамдир.

Бу буюк Ғалабани Ўзбекистонсиз, ўзбек халқисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбеклар урушда ҳаммадан кўра фаол бўлган, бор куч-қувватлари, имкониятларини тиккан, ғалабага беминнат ва катта ҳисса қўшган.



Ғалаба боғи

*“Матонат мадҳияси” монументи*

Ўзбекистон раҳбарияти Тошкент шаҳрида мухташам Ғалаба боғи куриш билан уруш тарихини тинч-фаровон ўлкада ёд этиш ва аجدодлар хотирасини абадийлаштириш учун Хотира пойдеворини қўйди. Бу халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган матонатига қўйилган рамзий ҳайкалдир. Ёшларимиз бу мухташам боғда ота-бобларимизнинг уруш ва уруш ортида қилган жасоратлари ҳақида билиб оладилар, у воқеаларни қалбан ҳис этадилар. Бу мажмуа ватанпарварлик, садоқат ва матонат тимсолидир.

Ёшларимиз мажмуадаги экспозициялар, тарихий сахналар, урушда кўрсатилган жасоратлар, эпик қаҳрамонликларга маънан эргашадилар. Ўз ёрлари, фарзандларини кутган аёллар, фронт ортидаги туну кунги меҳнатлар, бунёдкорлик, озиқ-овқат ортилган минглаб эшелонлар ва бошқа мавзулар орқали ўша даврдаги мураккаб тарихий жараёнларни қалбан ҳис этадилар, бугунги ёруғ, тинч ва фаровон кунларнинг қадрига етишни ўрганадилар.

Тошкент вилояти Зангиота туманида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳмаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт нафар келини

бева, беш набираси эса етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрناк олиб, ўз оиласига содиқ қолган ва бошқа турмуш қурмаган.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи **Али Назар Эгамназаров**нинг сўзларига кўра, **Иккинчи жаҳон урушида бир оиладан беш нафар фарзанд урушга кетиб ҳеч бири қайтмаган оила дунёда учта бўлиб, иккитаси Беларусь ва АҚШда, яна бири Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова оиласидир. Она Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан жудо бўлган.**

Зулфия ая ўзбек аёлининг прототипидир. Бизда урушда ўз фарзандидан айрилган аёллар кўпчиликти ташкил этади. Аксарият оналаримиз умрининг сўнгги дамларигача фарзанди ёки ёрини кутиб яшаб ўтишган.

“Матонат мадҳияси” монументи ўзбек аёлининг адоқсиз меҳр ва бардоши, садоқати ва матонати рамзидир. Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, **“Бу – Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал. Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қутлугъ зиёратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг**

қонида бўлган фазилатларни англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади”¹.

Тарихга назар солсак, ҳаракат, чидам, матонат халқни ёруғликка олиб чиққанини кўрамиз. Бугунги кун шунчаки бизга туҳфа қилинган эмаслигини англаймиз. Бизнинг тинчлигимиз ортида ота-бобо ва момоларимиз фидойиликлари, жасоратлари, меҳнатлари ва матонатлари туради.

Иккинчи жаҳон уруши қонга-қон, жонга-жон тарихидир. Иккинчи жаҳон уруши қурбонлар, тўкилган қонлар ва Ғалаба тарихидир. У йилларда халқимиз азобли синовларни босиб ўтган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Ғалаба боғи ғояси ва фалсафасининг ташаббускори, муаллифи ҳамда бош бунёдкори бўлиб майдонга чиққани таҳсинга сазовор.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Бу бетакрор мажмуа қахрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳаббатли обида бўлиб қад ростлади”².** Ушбу таърифда Ғалаба боғи “бетакрор” ва “ғоят ноёб” дея эътироф этилгани бежиз эмас.



“Мангу жасорат” монументи

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 14,7 гектар жой ажратилиб, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари қисқа вақт ичида амалга оширилди.

Ғалаба боғи таркибида:

- “Матонат мадҳияси”;
- “Мангу жасорат”;
- “Кўз ёши” монументи;
- “Шон-шараф” музейи бунёд этилди.

Энг муҳими, халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадий экспозициялар яратилди.

Дунёда ўнлаб давлатларда Ғалаба боғи бунёд этилган. Чунки бу уруш жаҳон халқларининг азобли тарихи саҳифаларини ташкил этади. Янги Ўзбекистоннинг Ғалаба боғи Иккинчи жаҳон урушига аталган Ғалаба боғларидан шаклан ва мазмунан анча бой ва кенг мавзуларни қамраб олган. У Россия, Беларусь, Украина, Австрия, Польша, АҚШ, Исроил каби бошқа бир қанча давлатлардаги улкан мемориал комплексларга мутлақо ўхшамайди.

Янги Ўзбекистоннинг Ғалаба боғи билан ана шу хорижий давлатлар мемориал комплекслари ўртасидаги энг муҳим фарқли жиҳатлардан асосийси шуки, хорижий мамлакатларнинг биронтасидаги мемориал мажмуада ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидаги жасорати ва фронт ортидаги матонати Тошкентда яхлит мажмуа тарзида бунёд этилган Ғалаба боғидаги сингари кенг кўламда, ҳаққоний ва адолатли равишда кўрсатиб берилмаган.

Ғалаба боғи тарихий-бадий ёдгорлик мажмуаси сифатида ўз кўлами, фалсафий ёндашуви ва меъморий ечимига кўра дунёда ягона ва бетакрордир.

Бу – Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган неча минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дамларда ҳам ўзлигини асло йўқотмаган, иймони бутун юртдошларимизга

¹ Қаранг: Шавкат Мирзиёев “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига гул қўйди // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/3561>

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/3564>

хурмат-эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш Ўзбекистонда олий даражадаги миллий қадриятга ва давлат сиёсатига айланганининг ўзига хос ифодасидир.

Тарихий адолатнинг яна қарор топиб Собир Раҳимов номининг юртимизга қайтгани барчани қувонтиради. Шу маънода, “Мангу жасорат” монументи генерал **Собир Раҳимов, унинг атрофида 14 нафар Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони ҳайкалларида ташкил топгани таҳсинга сазовор.**

Генерал-майор Собир Раҳимов ҳайкали ёдгорликнинг марказидан жой олган бўлиб, атрофида 14 нафар жасур қаҳрамон жангчимиз турли кўринишларда гавдалантирилган.

“Шон-шараф” музейининг зиналар орқали чиқиб бориладиган юқоридаги майдончасидан Ғалаба боғи манзараси тўлиқ ва яққол кўриниб туради. “Мангу жасорат” монументи ўрнатилган тепаликнинг илони, яъни айланма йўлаги бўйлаб мармар лавҳалар жойлаштирилган. Уларга **Ўзбекистонлик 301 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва юртимизнинг уруш йилларида жанговар орден-медаллар билан тақдирланган бошқа муносиб ўғил-қизларининг номлари битилган.**

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг “**Кўз ёши**” монументи тубсиз гирдоб шаклида ишланган. Бунда даҳшатли уруш қанчадан-қанча инсонларни – миллати, дини ва жинсидан қатъи назар – абадул-абад ўз домига тортиб кетгани тасвирланган.

Гирдобнинг ҳар бир қатида 1941 – 1945 йилларда ҳалок бўлган жангчиларнинг сони йилма-йил алоҳида қайд этилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қад ростлаган “Кўз ёши” монументи – меъморий-фалсафий жиҳатдан нодир ва бетакрордир.

“Шон-шараф” музейида жасорат, матонат ва ватанпарварлик тараннум этилган.



“Кўз ёши” монументи

“Шон-шараф” давлат музейининг умумий майдони 3 минг 800 квадрат метрни ташкил этади, унда турли замонавий мультимедиа технологиялари, рангли ва оҳангли инновацион жиҳозлар билан бойитилган экспозициялар жойлаштирилган.

Музейнинг бешта бўлимдан иборат кенг залларида Ўзбекистон халқининг жангтоҳлардаги жасорати ва фронт ортидаги матонатига доир кенг қамровли ахборотлар жамланган.

Узоқ қутилган Ғалаба тарихи қувонч кўз ёшлари, Ғалаба паради, ғолибларни қуй-қўшиқ ва гуллар билан қутиб олиш дамлари билан мукаммал ифода этиб берилган.

Музейнинг барча тарихий ашёси – Ўзбекистон халқининг метин иродаси, Ғалабага бўлган қатъий ишончининг далолатидир.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси энг замонавий меъморий обидалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, Ғалаба боғига кириладиган асосий йўлнинг икки тарафида **10 та барельеф, яъни деворга ишланган бўртма нақшлар** жой олган. Бу нақшлар ўзбек халқининг 1941 йилдан – 1945 йилгача бўлган уруш давридаги жасоратли ва матонатли ҳаёти ҳақида битилган ўзига хос ноёб китобга ўхшайди. Унинг ҳар бир нақшинкор саҳифаси ҳаяжонли тасвирларга бой.



Ғалаба боғидаги барельефлар

Ўзбекистоннинг етти минтақасига хос нонлар тасвири акс этган барельефда тишланган нонлар тасвирланган. Миллий урф-одатимизга кўра ҳарбийга отланган йигитларга “уйида ризқи қутиши”нинг белгиси сифатида нон тишлатиб қолинган. **Девордаги тишланган нонлар тасвири** ва ҳалок бўлган жангчилар сони ҳақидаги рақамлар урушдан қайтмаган юртдошларимиз хотирасини ёдга солиб туради.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг **“Уруш”** ҳудудида жанг куроллари, ҳимоя хандақлари (окоп, траншеялар), жанговар техника, қажатқич отишмалар акс эттирилган саҳналар бор. Уруш манзараси танклар, уларга қарши махсус металл қурилмалар, парвоздаги ва қулаб тушган самолётлар орқали гавдалантирилган.

Ғалаба боғида **“Концлагерь”** ёдгорлиги бунёд этилди. Унда 1942 йили Смоленскдаги қажатқич жангларда мардларча қурашган ва асирга олинган, фашистларнинг Голландиядаги “Амерсфорт” концлагерига ташланган 101 нафар ўзбек жангчисининг фожеали қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.



“Концлагерь” ёдгорлиги

Ғалаба боғининг **“Шон-шараф”** давлат музейига кириш йўлагига, икки томондаги деворларда ҳам ранг-баранг барельефлар жойлаштирилган. **“Кузатиш”, “Уруш”, “Фронт ортида” барельефлари** музейга кириш йўлагининг чап томонида жойлашган. Узунлиги 44 метрлик ушбу асарда навқирон ўғлонларини урушга қузатаётган ота-оналар, юртдошларимизнинг фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва Ўзбекистоннинг Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ўз аксини топган.

“Дийдор” барельефининг узунлиги эса 10,5 метр бўлиб, у кириш йўлагининг ўнг томонида жойлашган. Ушбу асарда фашизм устидан қозонилган Ғалаба кунда хушнуд қиёфадаги оналар, аёллар ва болаларнинг узоқ айрилиқдан кейин ўз ўғлонлари, турмуш ўртоқлари ва оталарини қутлаб турган бахтиёр онлари манзараси тасвирланган.

Ғалаба боғида бунёд этилган **“Меҳр-шафқат қўли”** ёдгорлиги ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик ва инсонпарварликнинг рамзий ифодасидир. Бу эзгу хислатлар икки қафт оралигидаги “200 000” рақами ва очиқ қўл ичидаги уч нафар жажжи болакай тимсолида ўз аксини топган.

Оғир уруш йилларида эвакуация қилинган болаларга оналарча ғамхўрлик кўрсатиш бўйича чақириққа Ўзбекистоннинг минглаб аёллари “лаббай” деб жавоб берган. Шу тариқа қўплаб инсонлар учун ўшанда Ўзбекистон иккинчи Ватанга айланган.

“Ғалаба” ёдгорлиги “Шон-шараф” давлат музейига кириш йўлагининг ўнг томонидаги шинам майдончада ўрнатилган. Ушбу сурурбахш ёдгорлик ғоят муҳим воқеа – Иккинчи жаҳон уруши тугаган ва фашизм устидан узоқ қутилган Ғалабага эришилган тарихий кунга бағишланган. Ёдгорлик қаҳрамонлари – беш нафар жангчи Ғалабани қувонч ва ғурур-ифтихор билан нишонламоқда.

“Ғалаба ордени” фаввора-ёдгорлиги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг алоҳида кўрки ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушида 1943 йили юз берган бурилиш палласидан сўнг жанг майдонларида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ҳарбий қўмондонларни тақдирлаш учун ҳарбий орден таъсис этилган. Собиқ СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 8 ноябрдаги қарори билан “Ғалаба” олий ҳарбий ордени таъсис этилган.

Агар Ғалаба боғига осмондан назар ташланса, “Ғалаба ордени” фаввора-ёдгорлиги тимсолида ана шу юксак мукофот ўз аксини топганини кўриш мумкин.

Умуман олганда, Тошкентда бунёд этилган Ғалаба боғи дунёда Ғалабаларга бағишланган боғларнинг энг мукаммали ҳисобланади.

У Янги Ўзбекистоннинг янги бунёдкорлик ишлари ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишларнинг юксак натижаларидан бирidir.

Академик Акмал Саидовнинг бу китобида нафақат воқеалар мукаммал очиб берилган, балки Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ва фронт ортида фаолият юритган аждодларимиз тарихига оид ноёб фотожамланмалар ўз аксини топган.

“Ғалаба боғи фалсафаси” китобида Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ энг янги статистик маълумотлар жамланган, бутунги кун ракурсида таҳлил этилган.

Бу китобни барча ташкилот, муассаса ва ўқув юртларига тавсия этаман, улардаги бебаҳо маълумотлар Ахборот соатларида мавзулар бўйича алоҳида очиб берилиши керак.

Бу китоб аслида ўзбек халқининг эпик қаҳрамонлик тарихидир.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ТАЛАБИ

Ахтам ТУРСУНОВ*

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда парламент фаолияти самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари баён этилган. Хусусан, унда парламент сўрови бўйича олинган жавобларни махсус интернет тармоқларига жойлаштириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сўровини дастлаб сиёсий партия фракцияси мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳамда сиёсий партия фракцияси аъзоларининг кўпчилиги томонидан маъқулланганидан кейин депутатлик сўровини юбориш тартибини жорий этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтириш ва ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш, ҳукуматга нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилган партия фракцияларининг ҳуқуқларини кенгайтириш каби таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: парламент, Олий Мажлис, парламент сўрови, депутат, депутат сўрови, сиёсий партия, сиёсий партия фракцияси, маҳаллий Кенгашлар, партия гуруҳлари.

Abstract. This article describes some issues of improving the efficiency of the Parliament. In particular, it is proposed to post the responses received on the parliamentary request in special Internet networks, to introduce the procedure for the initial submission of the request of a deputy of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis for consideration at a meeting of the political party faction and to send the deputy request after approval by a majority of the members of the political party faction. Proposals were put forward to strengthen interaction and determine the directions of interaction between the factions of political parties in the Legislative Chamber of the Oliy Majlis and party groups in local Kengashes, to expand the rights of factions that have declared their opposition to the government.

Key words: parliament, Oliy Majlis, parliamentary inquiry, deputy, deputy inquiry, political party, political party faction, local Kengashes, party groups.

Аннотация. В статье изложены некоторые вопросы повышения эффективности деятельности парламента. В частности, предлагается расширить права фракций, заявивших о своей оппозиции правительству, разместить полученные по парламентскому запросу ответы в социальных сетях Интернета, ввести порядок первоначального представления запроса депутата Законодательной палаты Олий Мажлиса для рассмотрения на заседании фракции политической партии и направления депутатского запроса после одобрения большинством членов фракции политической партии. Выдвинуты предложения по усилению взаимодействия и определению направлений взаимодействия между фракциями политических партий в Законодательной палате Олий Мажлиса и партийными группами в местных Кенгашах.

Ключевые слова: парламент, Олий Мажлис, парламентский запрос, депутат, депутатский запрос, политическая партия, фракция политической партии, местные Кенгаши, партийные группы.

* **Ахтам Турсунов** – Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизими-ни шакллантириш, республика ҳудудида қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда вазифаларини кучайтириш Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича олиб борилаётган доимий ислохотлар мезони бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизнинг 11-моддасида белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”¹. Мазкур принципнинг моҳияти шундаки, сиёсий ҳокимиятнинг бу уч функцияси – қонун чиқариш, ижро этиш ва одил судлов – бир-биридан мустақил тарзда амалга оширилиши керак.

Шу нуқтаи назардан қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган давлат вакиллик органи – парламент фаолиятини такомиллаштириш замонавий демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ажралмас хусусиятидир.

Демократик ислохотлар олиб борилаётган Янги Ўзбекистонда ҳам қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланган, “**Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши керак**”², деган тамойилга асосланилмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, унинг асосида қабул қилинган Давлат дастурларининг ижросини таъминлашда, жамиятда парламентнинг нуфузини, ролини оширишда, қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун нормалари билан тартибга солишга эҳтиёж туғилаётган ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳуж-

жатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга ошириладиган **парламент назорати** муҳим аҳамият касб этади.

Парламент назорати – бу мустақил ва қонуний, тизимли вакиллик органи фаолияти бўлиб, унинг палаталари, қўмита ва комиссиялари, палата аъзоларининг ижро ҳокимияти ва бошқа давлат органлари ва хўжалик бошқарув органларининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда конституциявий ва жорий қонунларнинг ижросини назорат қилиш фаолияти ҳисобланади.

Парламент назорати, шунингдек, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “**Ижро ҳокимияти идоралари фаолиятини назорат қилишда Президентнинг асосий қўмакчилари ким? Албатта, сиз, мухтарам депутат ва сенаторлар. Сизлар менинг олдимга келиб, ижро ҳокимияти идораларининг камчилик ва нуқсонлари ҳақида асосли маълумотлар беришингиз, вазирлик ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалани қўндаланг қўйишингиз, керак бўлса, вазир ва ҳокимларни лавозимдан бўшатишгача бўлган тақлифларни киритишингиз лозим**”³.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини парламент назоратига тақдим этиш амалиёти кенгаймоқда. Жумладан, 2020 йил 29 декабрда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлиши таъкидланди⁴.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Ҳозирги кунда ахборот технология-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий ба-заси // <https://lex.uz/docs/20596>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/2692>.

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 551-552-бетлар.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси // Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

ларининг ривожлангани, ижтимоий тармоқларнинг ҳақиқий маълумотлар базасига айланганини инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис палаталари парламент сўрови бўйича олинган жавобларни интернетдаги расмий веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчилик учун эълон қилиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, бу парламент назоратини янги босқичга кўтарди ва жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилишига кенг имконият яратиб беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан турли даражадаги масалалар бўйича юборилаётган депутатлик сўровлари аксарият ҳолларда тарқоқ ҳолда, баъзи ҳолатларда айнан бир масала бўйича турли вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларга юборилмоқда. Айни пайтда бу борада аниқ бир ҳуқуқий механизмнинг мавжуд эмаслиги Қонунчилик палатаси депутати сўровини давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига юбориш тартибини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, амалдаги қонунларимизда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сўровини дастлаб сиёсий партия фракцияси мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳамда сиёсий партия фракцияси аъзоларининг кўпчилиги томонидан маъқулланганидан кейин депутатлик сўровини юбориш тартиби** белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай тажрибани ГФР, Грузия давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Албатта, бу қоида бир жиҳатдан депутатларнинг сўров юбориш ҳуқуқидан фойдаланиш тартибини чегаралаб қўйиши мумкин. Аммо мазмун, сифат ва натижани ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони юборилаётган депутатлик сўровларини расмийлаштириш, умумлаштириш ҳамда уларнинг доимий мониторингини олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан юборилган сўровлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 – 2019 йилларда депутатларнинг жойларда ўтказган ўрганишлари,

сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари жараёнида ва фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 856 та депутат сўрови юборилган. Натижада аҳолини қийнаб келлаётган кўплаб масалалар турли даражада ўз ечимини топган⁵.

Шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш масаласи алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилди⁶.

Мазкур парламент назорати шаклларида замонавий ёндашув асосида самарали фойдаланиш кўплаб мавжуд муаммоларнинг ечими топилишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, мамлакатимизда парламент фаолиятини такомиллаштиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан маҳаллий кенгашлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни фаоллаштириш ва ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонунига асосан, **“Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин”**⁷. Агар амалиётга қарай-

⁵ Қаранг: Учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида ахборот / <https://parliament.gov.uz/uz/info/analytical-reports>.

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон.

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

диган бўлсак, расмий тарзда янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар ўзларини муҳолифат деб эълон қилганлигини деярли кузатмаганмиз.

Тегишли қонунларда ҳукуматга нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилган партия фракциялари учун қуйидаги ҳуқуқлар мустақамлаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ўзининг юборган сўровлари асосида тегишли маълумотларни ҳамда улар қабул қилган ҳужжатлардан нусхалар олиш;

– Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ижро ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш;

– Парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишни амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолияти дастурига нисбатан муқобил таклифларни тайёрлаш;

– Ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳасига нисбатан муқобил лойиҳани киритиш;

– Давлат дастурига нисбатан муқобил лойиҳани ишлаб чиқиш.

Бу орқали Ҳукумат томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар ва нуқсонлар барта-раф этилишига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда парламент қонунлар, қарорлар қабул қилиш билан бирга унинг жойлардаги ижроси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, **“Депутат ва сенаторларимиз бевосита жойларга чиқиб, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тизимли равишда чуқур ўрганиб боришлари зарур”**⁸.

Президентимизнинг кўплаб маърузаларида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталарининг қонунлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётгани нуктаи назаридан, парламент назорати соҳасидаги қонунчилик манбаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қуйидаги таклифни киритмоқчимиз, яъни: **“Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва қонунларнинг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади”**. Парламент қонунлар қабул қилдими, мазкур қонунларнинг ижросини назорат қилиш функцияси ҳам унинг асосий вазифаси бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, “Электрон парламент” тизими доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг тизими жорий этилмоқда, яъни депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасидаги фаолиятини баҳолашнинг электрон тизими ишлаб чиқилмоқда. Бу эса депутатларнинг халқ ва парламент олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини оширади. Қолаверса, парламент фаолиятида замонавий ёндашувнинг шаклланишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилади.

Парламент аъзоларининг малакасини тизимли равишда ошириб бориш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Бунинг учун семинар-тренинглари, хорижий мамлакатлар парламент делегациялари иштирокида учрашувлар, тажриба алмашувлар тизимли тарзда йўлга қўйилиши керак. Шунингдек, зарур илмий адабиётларни чоп этиш ҳам фойдадан холи эмас.

Мухтасар айтганда, парламент халқ вакиллиги институти, давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи сифатида жамият ва давлат бошқарувида ислохотларнинг ташаббускори ҳамда асосий ижрочиси бўлиши лозим.

⁸ Қаранг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти // <https://president.uz/uz/lists/view/2180>.

СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД УНИВЕРСАЛ ПРИНЦИПЛАР

Одилжон СУЛАЙМАНОВ*

Аннотация. Мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро норма ижодкорлиги бўйича ташаббуслари, Судьялар кенгашларига оид халқаро ва минтақавий стандартлар, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда Судьялар кенгашларининг роли таҳлил қилинган. Судьялар кенгашлари фаолиятига оид универсал принципларни ишлаб чиқиш бўйича хулоса ва таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: халқаро норма ижодкорлиги, суд ҳокимияти, судья, Судьялар кенгашлари, халқаро ва минтақавий стандартлар, универсал принциплар.

Abstract. The article analyzes the initiatives of the Republic of Uzbekistan in recent years to create an international norm, international and regional standards on judicial councils, the role of Judicial Councils in ensuring the independence of the judiciary. Conclusions and proposals were made for the development of a circular press on the activities of Judicial Councils.

Key words: international rule-making, judicial authority, judge, the Judicial Council, international and regional standards, universal principles.

Аннотация. В статье анализируются инициативы, реализованные в Республике Узбекистан за последние несколько лет, по внедрению международных норм, международных и региональных стандартов Судейского совета, а также роль Судейского совета в обеспечении независимости судебной власти. В статье также содержатся выводы и рекомендации по разработке универсальных принципов деятельности Судейского совета.

Ключевые слова: международное нормотворчество, судебная система, судья, Судейский совет, международные и региональные стандарты, универсальные принципы.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ

Халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлади”¹.

Айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72- ва 75-сессияларида илгари сурилган долзарб аҳамиятга эга ташаббуслар халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июнда “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”², 2018 йил 12 декабрда “Маърифат ва диний

* Одилжон Сулайманов – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

² Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-Азиатском регионе. Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 22 июня 2018 года. <https://undocs.org/ru/A/RES/72/283>.

бағрикенглик”³ номли махсус резолюциялари қабул қилинди.

Шунингдек, дунё ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бир тизимга солиш, бу ҳуқуқларни яхлит тарзда ифодалаш мақсадида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган **БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси** лойиҳаси айни пайтда ташкилотга аъзо давлатлар, манфаатдор тузилмалар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистон муҳим халқаро ташаббуслар ижодкорига айланиб бораётганидан далолат беради. Президентимизнинг БМТ доирасидаги таклиф ва ташаббуслари халқаро ҳуқуқ асосларини такомиллаштиришда муҳим замин яратмоқда. Бугун дунё ҳамжамияти Ўзбекистон тимсолида нафақат минтақада, балки халқаро майдонда кун тартибини белгилаб берувчи фаол иштирокчини кўрмоқда.

Жумладан, 2020 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида дунёдаги ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишга қаратилган БМТ шафелигида **Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни** ишлаб чиқиш таклифи билдирилгани фикримизнинг яққол исботидир⁴.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсати БМТ ва унинг институтлари, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ва Инсон ҳуқуқлари кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик даражасини оширишга қаратилди.

Бунинг эътирофи сифатида БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига қўпчилик овоз билан тарихда биринчи марта уч йиллик муддатга сайланди.

Жорий йилнинг 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессия-

сида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда муҳим ўрин тутишини эътироф этди, бу борада эришилган ютуқларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш ва **“Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни”**⁵ таклиф этди.

Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш ташаббуси инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Халқаро ҳужжатларда белгиланган инсонларнинг мустақил ва холис судга бўлган ҳуқуқини таъминлашда Судьялар кенгашларининг ўрни бекиёс. Улар суд ҳокимияти мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Судьялар кенгашларини тузишдан асосий мақсад суд органларини ҳамда судьяларни ташқи сиёсий босимдан ҳимоя қилишдан иборат.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Судьялар кенгашлари ўзларининг суд ҳокимияти мустақиллигини кафолатлаш функциясида ташқари одил судлов самарадорлиги ва сифатини ошириш, одил судловни амалга ошириш тизимидан оқилона фойдаланиш, суд тизимини бошқариш ва бюджет масалаларини ҳал қилиш каби кенг ваколатларга ҳам эга.

Жаҳонда Судьялар кенгашлари учун ягона халқаро стандартлар мавжуд эмас. Суд тизимининг ҳар қандай бошқарув органи аниқ тарихий, маданий ва ижтимоий илдизларга эга бўлган ҳуқуқий тизимда пайдо бўлади. Бошқарув органларининг ўзига хос роли ҳар бир мамлакатда турлича. Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачи маълумотларига кўра, сўнгги ўн йилликларда Судьялар кенгашлари сони сезиларли даражада ошган ва бугунги кунда дунё мамлакатларининг 70% дан ортиғида Судьялар кенгашлари у ёки бу шаклда мавжуд⁶.

³ Просвещение и религиозная толерантность. Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 12 декабря 2018 года. <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/73/128>.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.

⁵ Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

⁶ Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов. 18 июня – 6 июля 2018 года. А/НRC/38/38.

Дунёнинг турли минтақаларида Судьялар кенгашлари сони ортиб бораётганига қарамай, уларнинг роли, таркиби ва функцияларига оид халқаро даражада ягона халқаро-ҳуқуқий норма мавжуд эмас. Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларида Судьялар кенгашларига оид махсус қоидалар мавжуд эмас. Судьялар кенгашларининг ташкил этилиши, аъзолари таркиби ва ролига оид минимал стандартларни ишлаб чиқиш бўйича энг изчил саъй-ҳаракатлар Европа кенгаши шафелигида амалга оширилган.

СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ

Судьялар кенгашларига тааллуқли халқаро стандартлар турли халқаро ҳужжатларда қисман ўз аксини топган. Уларнинг энг муҳимлари:

- Европа кенгашининг судьялар бўйича тавсиялари: мустақиллик, самарадорлик ва жавобгарлик;

- ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги бўйича Киев тавсиялари;

- Европа Кенгаши Венеция комиссиясининг суд тизими мустақиллиги тўғрисидаги ҳисоботи;

- Европа судьялари маслаҳат кенгашининг 1-сонли ҳулосасидаги тавсиялар ва бошқалар.

Халқаро стандартларга мувофиқ судьяларни танловчи ва тайинловчи суд органлари (Судьялар кенгашлари) ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши лозим. “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартиясининг 1.3-тамомийи “судьяларни танлаш, ишга қабул қилиш, тайинлаш, мартабасини ошириш ва ваколатларини тугатиш билан боғлиқ” ҳар қандай қарор “ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил” бўлган орган томонидан қабул қилиниши кераклигини назарда тутди⁷. Судьялар ва адвокатларнинг

мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси судьяларни танлаш бўйича мустақил орган ташкил этилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган (27-банд)⁸.

Аъзо давлатларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берувчи Венеция комиссияси сиёсий нуқтаи назардан бетараф бўлган Олий одил судлов кенгашини ёки ҳуқуқий тизим доирасида шунга ўхшаш Конституциявий органни асосий демократик принципларни ҳимоя қилишга қаратилган самарали восита сифатида ташкил қилиш муҳимлигини таъкидлаган. Булар жумласига суд ҳокимиятининг эркинлиги ва мустақиллиги, суд ҳокимиятининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишдаги роли, шунингдек, суд тизимининг демократик тизимдаги ўрни киради. Ушбу орган давлатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг аниқ тасдиғи ва намоён бўлиши сифатида аҳамиятли ҳамда ҳақиқий эркинлик ва мустақилликка эга бўлиши лозим (5-банд)⁹.

Бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялар бундай орган аъзоларининг асосий қисмини ташкил қилишлари лозим. Чунки, Европа кенгаши Вазирлар қўмитасининг № (2010) 12-сонли тавсиясида айтилишича, аъзоларнинг камида ярми судьялардан ташкил топиши керак (27-банд)¹⁰. Худди шунга ўхшаш қоида “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартиясининг 1.3-тамомийида, “Аъзоларнинг камида ярми бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялардан ташкил топиши керак”¹¹, деб қайд қилинган.

Европа кенгаши Вазирлар қўмитасининг 2010 йил 12-сонли тавсияси 46- ва 47-бандларида судьяларни сайлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича қарор қабул қилувчи орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган¹². Унинг мустақиллигини кафолатлаш учун, аъзоларнинг камида ярми бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялар бўлиши лозим. Шунга

⁷ Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 года // <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.

⁸ Promotion and protection of all human rights, civil, political, economic, social and cultural rights, including the right to development. <https://undocs.org/en/A/HRC/11/41>.

⁹ Opinion on recent amendments to the law on major constitutional provisions of the Republic of Albania / [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-INF\(1998\)009-e](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-INF(1998)009-e).

¹⁰ Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities / https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?ObjectId=09000016805afb78.

¹¹ Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 года / <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.

¹² Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities / https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?ObjectId=09000016805afb78.

карамай, агар конституция ёки конуннинг бошқа қоидалари судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор давлат раҳбари, ҳукумат ёки конун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинишини кўзда тутадиган бўлса, асосан суд органлари вакилларида иборат мустақил ва ваколатли орган тайинловчи орган томонидан амалда рия қилиниши лозим бўлган тавсия ва ҳулосалар бериш ваколатига эга бўлиши кераклиги қайд қилинган.

Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича махсус маърузачи ўз маърузасининг 28-бандида таъкидлашча, аъзоларнинг қўпчилигини айнан судьялар ташкил этиши талаб қилинишининг мақсади шундан иборатки, “Агар орган асосан сиёсий кучлар вакилларида иборат бўлса, ушбу “мустақил органлар” фақат расмийликка ёки ҳуқуқий клонларга айланиб қолиши ва орқасида ҳукумат билвосита ўз таъсирини ўтказиш хавфи пайдо бўлиши мумкин”¹³.

Худди шундай тарзда, “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартиясининг тушунтириш меморандумида “партиявий ва сиёсий тарафқашлик хавфидан” сақланиш учун мустақил органнинг аъзолари бўлган судьялар бошқа судьялар томонидан сайланиши кераклиги назарда тутилган, “чунки ушбу органнинг зарур мустақиллиги, унинг аъзоларини ижро этувчи ёки конун чиқарувчи ҳокимиятга тегишли бўлган сиёсий орган томонидан сайлаш ёки тайинлаш имкониятини чеклайди”¹⁴, деб кўрсатилган.

Венеция комиссиясининг “Судьяларни тайинлаш тўғрисида”ги ҳулосасининг 48-бандида, “Судьяларнинг мустақиллигини таъминлашнинг тўғри усули – бу суд таркиби, ваколатлари ва мустақиллиги конституциявий кафолатлар билан ҳимоя қилиниши керак бўлган суд кенгашини яратишдир”, дея қайд этилган бўлса, 49-бандда “Бундай Кенгаш судьяларни тайинлаш ва лавозимларини кўтаришда ҳамда уларга нисбатан интизомий

иш юритишда ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши керак”¹⁵, дейилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир қатор органлар судьяларни тайинлаш жараёнида ижро этувчи ёки конун чиқарувчи ҳокимиятларнинг асосий иштирок этишидан хавотир билдирадilar. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ва бошқа органлар судьяларни тайинлаш ва лавозимларини оширишни ҳамда суд тизимини бошқаришни таъминлайдиган мустақил орган тузишни тавсия қилади.

Суд бошқаруви ва танлаб олиш тартиб-қоидаларига тегишли асосий тамойиллар ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги бўйича Киев тавсияларининг 1-, 2- ва 8-бандларида белгиланган. Киев тавсияларининг 2-бандига асосан умумий суд бошқаруви соҳасида бажарилиши керак бўлган турли функциялар суд бошқаруви доирасида ваколатларнинг бўлиниши принципини ўрнатган ҳолда битта органнинг “қўлида” жамланмаслиги керак¹⁶.

Киев тавсияларининг 1-бандида суд бошқарувидан ҳеч қачон суд қарорларини қабул қилиш жараёнига босим ўтказишда фойдаланмаслик ва суд бошқаруви шаффоф бўлиши лозимлиги муҳим принцип сифатида белгиланган¹⁷.

Судьяларни танлаш масаласи билан боғлиқ бўлган Киев тавсияларининг 8-бандида судьяларни танлаш бўйича қарор қабул қиладиган органларнинг таркиби “сиёсий қарашлар судьялик лавозимига номзодларнинг касбий маҳоратидан устун келмаслигини”¹⁸ кафолатлаши лозимлиги белгиланган.

Киев тавсияларининг 7-бандига мувофиқ судьялар суд кенгаши аъзоларининг ядросини ташкил қилиши керак, лекин аъзо судьялар орасида юқори ва апелляция инстанциялари судларида судьялар устунлигининг олдини олиш кераклиги белгиланган¹⁹. Мазкур тавсияга кўра, юридик

¹³ Promotion and protection of all human rights, civil, political, economic, social and cultural rights, including the right to development. <https://undocs.org/en/A/HRC/11/41>.

¹⁴ Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 года <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.

¹⁵ Назначение судей, доклад, принятый Венецианской комиссией на 70-й Пленарной сессии (Венеция, 16–17 марта 2007 г.). <https://www.venice.coe.int/webforms/documents>.

¹⁶ Киевские Рекомендации ОБСЕ/БДИПЧ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>.

¹⁷ Ўша манба.

¹⁸ Ўша манба.

¹⁹ Ўша манба.

касбнинг бошқа вакиллари, масалан, олий таълим муассасаларининг ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари ва адвокатура ходимлари суд кенгашига киритилиши лозим, чунки бу ошкоралик ва кенг вакилликка имконият туғдиради. Шу мақсадда, баъзи юрисдикцияларда суд кенгаши таркибига фуқаролик жамияти вакиллари киритилган.

Суд кенгаши таркибига кирмаслиги керак бўлган вакилларга келсак, Киев тавсиясида прокурорлар (агар улар шу суд корпусининг аъзолари бўлмаса) ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари уларнинг таркибига кирмаслиги айтиб ўтилган.

Шунингдек, Киев тавсияларида ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари суд кенгашининг ишига устувор таъсир кўрсатмаслиги ҳам таъкидланган.

Мисол учун, Норвегияда судьяларни танлаш ва тайинлаш учун масъул бўлган махсус комиссия – Судьяларни тайинлаш бўйича судьялар кенгаши тузилган. Ушбу орган суд бошқарувининг бошқа органларидан, хусусан, давлат судларининг бошқарувидан мустақил бўлиб, нафақат профессионал юристлардан, балки ошкораликни таъминлаш, жамоат олдида кенгроқ назоратни амалга ошириш ва “эски дўстлар” ҳомийлигидан сақланиш мақсадида иккита юрист бўлмаган аъзога ҳам эга.

Киев тавсияларининг 8-бандида таъкидланишича, Судьялар кенгаши аъзоларининг судьялари ҳамкасблари томонидан сайланиши керак. Бундай коллегиял сайлов механизмига мисол сифатида яқинда Грузияда жорий этилган тартибни келтириш мумкин. Қонунчилик аъзо судьялар мустақил орган мақомига эга бўлган Суд конференцияси томонидан судьяларнинг ўзлари киритган таклифлар асосида сайланишини талаб қилади. Грузияда шу кунга қадар фақатгина Олий суднинг раиси Судьялар кенгаши аъзолигига судьяликка номзодларни таклиф қилиш ваколатига эга эди.

Ҳуқуқшунослар, илмий ходимлар ва ҳатто фуқаролик жамияти вакиллари каби суд кенгашининг бошқа аъзоларига келсак, Киев тавсияларида уларни сайлаш механизми бўйича махсус тавсиялар мавжуд эмас. Бироқ уни яратишда қандай механизм иштирок этмасин, қарорлар қабул

қилиш ёки судьяларни танлаш жараёнида сиёсий қарашлар ноўрин таъсир кўрсатмаслигини кафолатлаш лозим.

Битта давлат органида ҳокимият марказлашувининг олдини олиш мақсадида суд кенгаши Киев тавсияларининг 3- ва 4-бандларига мувофиқ номзодлар учун ёзма ва оғзаки имтиҳонларни ўтказиш учун алоҳида эксперт идорасини ташкил қилиши керак ёки муқобил сифатида, бу вазифа бошқа вазифалар қаторида, мавжуд бўлган малака комиссиясига топширилиши мумкин. Бундай ҳолда, малака комиссияси номзодларни текшириш ва танлашни амалга оширадиган асосий орган бўлади. Суд кенгашининг роли эса тегишли тартибларга риоя қилинишини таъминлаш ва фақат танланган номзодларни тайинлашдан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари, Киев тавсияларининг 4-бандида малака комиссиясининг мустақил ишлаши ва унинг ижро этувчи ҳокимият томонидан назоратдан озод бўлиши муҳимлиги таъкидланган.

Ушбу органнинг аъзоларига келсак, Киев тавсияларининг 8-банди бу ерда ҳам қўлланилади. Бу унинг аъзолари нафақат судьялардан, балки юридик касбнинг бошқа вакиллари, шу жумладан олий ўқув юртлари ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари ва адвокатлардан иборат бўлиши кераклигини англатади. Бундан ташқари, тавсияларда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, судьяларни танлаш бўйича қарор қабул қиладиган органлар “сиёсий қарашлар судьялик лавозимида номзодларнинг касбий маҳоратидан устун келмаслигини” кафолатлаши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида таклиф қилинган Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқишда суд ҳокимияти мустақиллигига оид қуйидаги халқаро ҳужжатларга ҳам эътибор қаратиш ўринли:

– 1985 йил БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича еттинчи конгресси “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”ни²⁰ қабул қилган ва у Бош Ассамблея томонидан маъқулланган. Ушбу принциплар БМТга аъзо давлатлар томонидан умум эълон қилинган фикр сифатида тавсифланади ҳамда судьялар мустақиллигини

²⁰ Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган. // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 109-113-бетлар.

баҳолашда халқаро назорат органлари ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар учун муҳим мезон бўлиб хизмат қилади. Ушбу принциплар қуйидаги масалаларга бағишланган:

- суд органлари мустақиллиги;
- сўз ва уюштиш эркинлиги;
- малака, танлов ва тайёрлов;
- хизмат шароитлари ва ваколатлар муддати;
- касбий сир ва иммунитет;
- жазолаш, лавозимдан четлаштириш ва ишдан бўшатиш²¹.

БМТ судьялар одоб-ахлоқи ва юриш-туришининг юксак стандартларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлат суд органларининг бевосита мажбурияти эканлигини инобатга олиб, “Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”ни ишлаб чиққан. Унда олти асосий принцип қайд этилган:

- мустақиллик;
- холислик;
- ҳалоллик ва поклик;
- одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиш;
- тенглик;
- компетентлик ва интилувчанлик²².

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқиш таклиф этилаётган **Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принциплари** барча мамлакатлар, айниқса, Судьялар кенгашлари ҳали тузилмаган давлатлар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади. Бу каби стандартлар нафақат аъзо давлатлар, балки инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти, шунингдек судьялар ва уларнинг уюшмалари иштирокида очиқ ва ошкора тарзда ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу принципларни ишлаб чиқишда Судьялар кенгашларига тегишли мавжуд халқаро стандартлар ҳамда халқаро ва минтақавий органлар тавсиялари инобатга олиниши зарур.

Судьялар кенгашлари судьяларни танлаш, уларнинг лавозими кўтарилиши, касбий тайёргарлиги, профессионал фаолиятини баҳолаш ва интизомий чоралар қўллаш каби кенг ваколатларга эга бўлиши керак. Судьялар кенгашларига суд тизимини бошқариш, бюджет ресурсларини турли судларга ажратиш билан боғлиқ вазифалар юкланиши мумкин.

²¹ Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 109-113-бетлар.

²² Бангалорские принципы поведения судей. Гаага, 26 ноября 2002 года / https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml.

СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР НАЗАРИЯСИНІНГ ГЕНЕЗИСИ ВА УЛАРНИНГ СИЁСІЙ ФАНЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ

Нурмуҳаммад ҚАРШИЕВ*

Аннотация. Сиёсий партиялар назариясининг келиб чиқишини, унинг тарихини ўрганиш бугунги кунда замонавий сиёсий фанлар олдига турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Партия ва партиявий тизимлар назариясини ўрганишда турлича ёндашувлар мавжуд ва улар бир-биридан фарқ қилади. Сиёсий партиялар ва партиявий тизимлар назариясини ўрганишда мавжуд муаммолар, камчиликлар ва афзалликлар нималардан иборатлиги ҳамда олиб борилаётган тадқиқот иши жамият тараққиёти учун нима бериши тўғрисидаги саволларга жавоб топиш зарур. Сиёсий партиялар назарияси ва тарихини ўрганиш инсоннинг жамиятдаги ўрни, эркинлиги ва ўз сиёсий иродасини намоён қилишида энг қулай ва самарали йўлдан фойдаланиш имкониятини бериши билан, айниқса, аҳамиятлидир. Шунингдек, сиёсий партиялар назариясининг замонавий илғор хорижий ёндашувларини ўрганиш мамлакатимизда сиёсий фанлар ривожланишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: генезис, партия назарияси, партия тушунчаси, партиявий тизим, партия тарихи, партия электорати, сиёсий тизим, сиёсий мафкура, сайловлар, жамият, демократия.

Abstract. Our study of the theory of political parties, its history is one of the urgent tasks facing modern political science today. In general, there are different theoretical approaches to studying the theory of parties and party systems, and they differ from each other. When we study the theory of political parties and party systems, we need to find answers to questions about what the existing problems, disadvantages and advantages, and what they contribute to the development of society. Studying the theory and history of political parties makes it possible to express your place in society, freedom and your political will in general in the most convenient and effective way. Our study of modern advanced foreign approaches to the theory of political parties are important as it contributes to the development of political science in our country.

Key words: genesis, theory of party, party concept, system of party, history of party, party electorate, political system, political ideology, elections, society, democracy.

Аннотация. Изучение происхождения теории политических партий, ее истории – одна из актуальных задач, стоящих сегодня перед современной политической наукой. В целом существуют разные теоретические подходы к изучению теории партий и партийных систем, и они отличаются друг от друга. Изучая теорию политических партий и партийных систем, необходимо найти ответы на вопросы о том, каковы существующие проблемы, недостатки и преимущества и как они способствуют развитию общества. Исследование современных передовых зарубежных подходов к теории политических партий важно, так как способствует развитию политической науки в нашей стране.

Ключевые слова: генезис, теория партии, концепция партии, партийная система, история партии, партийный электорат, политическая система, политическая идеология, выборы, общество, демократия.

Партия ва партиявий тизимлар назарияси мавзуси замонавий сиёсатшунослик фанида жуда кўп мурожаат қилинадиган ҳамда кенг ёритилган мавзулардан бири ҳисобланади. Бизга маълумки, сиёсий тизими демократияга асосланган мамлакатларда

фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Фуқаролик жамияти институтлари ичида сиёсийлашган, ҳокимият учун қонун доирасида кураш олиб бора оладиган ташкилот партия ҳисобланади. Юқо-

* Нурмуҳаммад Қаршиев – Ўзбекистон Миллий университети Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси таянч докторанти.

ридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, фуқаролик жамиятининг ривожини таъминлаб берувчи асосий кучлардан бири – бу партиялардир.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда партияларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида таъкидланганидек, **“Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиришти ҳам – бунини яширишнинг ҳолати йўқ”**¹.

Президентимизнинг ушбу танқидий, таҳлилий фикрларидан сўнг сиёсий партияларнинг фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. Айнан сиёсий партиялар назариясига оид тарихий ҳамда илгор тажрибаларни ўрганишимиз юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жамиятда ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни боғлаш эҳтиёжи мавжуд бўлиб, бу вазифани бугунги кун замонавий сиёсат майдонида партиялар бажарса, қадимда сиёсий партиялар моҳиятини берувчи, манфаатлар атрофига бирлашган гуруҳлар, клублар, бирлашмалар амалга оширган. Партияларнинг фаолиятини такомиллаштириш, яъни жамиятда фуқаролар манфаатларини кенг қамровли ифодалашга ҳамда уларнинг давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш заруратига эҳтиёжнинг мавжудлиги сиёсий партиялар назариясининг вужудга келишига туртки бўлди.

Умуман, партия ва партиявий тизимлар назариясининг вужудга келиш тарихи тўғрисида қўплаб ёндашувлар мавжуд. Сиёсий партияларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб, ўз илмий изланишларида маълум бир ютуққа эришган М.Вебер, М.Дюверже, Р.Михельс, М.Я.Острогорский, К.Нойман, Дж.Лапаломбара, Ж.Кермонн, Ж.Сартори, К.фон Бойма каби олимлар асарлари сиёсий партиялар генезисининг илмий концептуал асосларига замин сифатида хизмат қилади.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи назариясига тўхталишдан олдин партия тушунчасига таъриф берсак. Сиёсий партияларнинг замонавий сиёсий фанларда юзлаб таърифлари мавжуд. Бундан келиб чиқадики, сиёсий партияларнинг умумэътироф этилган ягона таърифи мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда партия таърифларининг икки гуруҳи – “тор таърифлар” гуруҳи ва “кенг таърифлар” гуруҳи шаклланган. Таниқли америкалик сиёсатшунос К.Жанда ушбу йўналишда чуқур тадқиқот олиб борган. Демак, “тор таърифлар” демократик тизимларда фаолият юритадиган “рақобатдош партиялар”га нисбатан ишлаб чиқилган, “кенг таърифлар” бир партияли тизимлар ёки тизимга қарши партиялар фаолият юритган мамлакатларга нисбатан қўлланилган². Назарий жиҳатдан ушбу таърифларни олимлар ҳар бир гуруҳ бўйича ҳам тадқиқ қилишган. Шунингдек, партиянинг моҳиятини очиб берувчи ўзига хос йўналишлар ҳам мавжуд. Демак, партия сиёсий фанларда кенг таърифга эга бўлган институт ҳисобланар экан, энди яна бир муҳим жиҳат ҳисобланган партия атамасига ҳам тўхталиб ўтсак.

“Партия” сўзи латинча “part” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “иш”, “қисм” деган маъноларни англатади. Сиёсий партия – аҳолининг, синфнинг, ижтимоий қатлам ёки қатламларнинг бир қисми³. Турли қатлам ва гуруҳларга мансуб инсонларда манфаатларнинг вужудга келиши ва бирлашиш жараёни кузатилад экан, уларни бирлаштирувчи сиёсий ташкилотга бўлган эҳтиёж ҳар доим мавжуд бўлади. Демак, партиялар назарияси генезиси партияларнинг келиб чиқиши, ривожланиш тарихини ўрганувчи фан негизида пайдо бўлган. Сиёсий партияларнинг пайдо бўлиш жараёнини сиёсий, тарихий нуқтаи назардан ўрганишда турли олимларнинг турли хил ёндашувлари мавжуд бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.

Дастлабки партиялар қадимги Греция ва қадимги Римда пайдо бўлган. Аммо том маънодаги сиёсий партиялар ҳаракати Европада буржуа инқилоблари оқибатида шаклланган. Сиёсий партиялар фаолияти Ўрта Осиёда асосан XX аср бошларига келиб ташкил топган. Бу аввало Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсати қарши озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган. Жумладан, шу йилларда кенг ёйилган жадиличлик

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 559-б.

² Джанда К. Теория партий и дефиниции. Теория партий и партийных систем. – М., 2008. – С.105.

³ Жалилов А., Мухаммадиев У., Жўраев Қ. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари: Ўқув қўлланма. – Т., 2015. – 198-б.

ҳаракати туфайли “Турон”, “Иттиҳоди тараққий”, “Бирлик”, “Шарқ озодлиги”, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар”, “Мифтақ ул-маориф” ва бошқа кўплаб ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолият кўрсатган⁴. Ўзбекистон ҳудудида партияларнинг пайдо бўлишини ҳам айнан ушбу ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолиятига боғласак бўлади.

Сиёсий партиялар назариясини ўрганишимиз тарихий ва замонавий тажрибаларни жамлаган ҳолда партия амалиёти учун муҳим ҳисобланган илмий таклифлар ишлаб чиқиш заруратининг мавжудлиги билан аҳамиятлидир. Умуман сиёсий партиялар назариясининг вужудга келишида қадимги дунё олимларининг сиёсий, фалсафий қарашлари асос бўлиб хизмат қилган.

Замонавий сиёсий партиялар тузилишидан анча олдин бу атама Қадимги дунёда ва Ўрта асрларда сиёсий соҳада ўзаро рақобатлашадиган турли синфий ва сиёсий гуруҳларни билдирган⁵.

Қадимги мутафаккирлар фикрига кўра, партиялар моҳиятини берувчи ҳокимият учун курашаётган турли сиёсий гуруҳлар ҳодисаси сиёсий партияларнинг вужудга келиш асосларидан ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳатто Аристотел ҳам ўз асарларида балиқчилар ва деҳқонлар, шаҳарликлар ва оддий одамларнинг партиялари бўлганлигини эслатиб ўтади. Кейинчалик, партиялар мавзуси Никколо Макиавелли, Томас Гоббс, Жон Локк, Томас Жефферсон, Чарлз Монтеске, Жан-Жак Руссо асарларида келтириб ўтилади. Тўғридан-тўғри сиёсий партияларга бағишланган дастлабки ишлардан бири лорд Генри Сент-Жон Болинброкнинг “Партиялар тўғрисида нутқлар” рисоласи эди. Партияларнинг жамият ҳаётида ва давлат сиёсатида у ёки бу даражада тутган ўрни Жорж Вилгелм Фридрих Гегел, Ёҳанн Готлиб Фихте, Бенжамин Констант, Жон Милл, Девид Юм ва бошқа Ғарбий Европа мутафаккирлари асарларида кўриб чиқилган⁶.

Сиёсий партия тушунчасини олимлар кўп тадқиқ этгани сари ушбу институт тўғрисида янги таъриф ва ёндашувлар, шунингдек нисбатан янги фан тармоғи ҳисобланган парталогия вужудга келди.

Бугунги кун замонавий сиёсий партиялари ўзининг моҳиятини янада бойитиб, турли жамиятларда

ўз ўрнини янада мустаҳкамлаган ҳолда инсонларнинг сиёсий иродасини ифодалашнинг қудратли курилига айланиб бормоқда. Албатта, бу жараёнлар жамиятда сиёсий қарама-қаршиликлар, манфаатларнинг тўқнашувини кучайтириши табиий ҳол бўлиб, уларнинг зиддиятларга айланиб кетмаслиги, ўзаро курашни сиёсий маданият асосида амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Айнан соғлом тортишув руҳини, оппозицияни амалга ошириш учун сиёсий партиялар назарияси ҳулосаларини амалиётга татбиқ этиш самаралидир.

Сиёсий партияларни ўрганишнинг назарий ва услубий асослари Ж.Брайс, М.Вебер, Р.Михельс, М.Я.Острогорский асарларида ёритилган. Ушбу олимлар сиёсий партияларнинг илмий тушунчасига асос солган, концептуал аппаратни ўз ичига олган тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, 1898 йилда француз тилида М.Я.Острогорскийнинг “Демократия ва сиёсий партия” деб номланган китоби нашр этилган. Унда АҚШ ва Англия мисолдан фойдаланган ҳолда, сиёсий партияларни ташкил этиш, уларнинг фаолият механизми, шунингдек янада мураккаб сиёсий, ташкилий шаклларда ривожланишининг сабаблари очиб берилган⁷. Китобда айнан АҚШ ва Англия мамлакатлари мисол қилиб олинишининг сабаби демократиянинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. **Сиёсий партия ва демократия тушунчаси бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, замонавий сиёсатда янги таърифга касб этиб бормоқда.**

Европа прото-партияларининг сиёсий партиялар институтига айланиш жараёни Макс Вебер томонидан аниқ ва лўнда ифода этилган. Унинг фикрига кўра, Европа сиёсий партияларининг генезиси уч босқичдан иборат:

- партияларнинг аристократик гуруҳлари;
- партияларнинг сиёсий клублари;
- партияларнинг замонавий оммавий ташкилотлари⁸.

Европада ер ва мол-мулк эгаси ҳисобланган зодагонлар ўзларининг диний, сиёсий қарашларини ифодалаш ва мулкларини ҳимоя қилиш мақсадида маълум гуруҳларга бирлашишган. Айнан ушбу гуруҳлар ҳокимиятга таъсирни биргаликда амалга ошириш самара беришини яхши тушунишган. Бу эса партия институти шаклланишининг асосларидан биридир.

⁴ Алимардонов Т. Политология: Ўқув қўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 110-б.

⁵ Дюверже М. Политические партии – Пер. с франц. – М.: Академические проекты, 2000. – С.23.

⁶ Гараджа Н.В. Основы теории политических партий: Учеб. пособие. – М.: Европа, 2008. – С.7.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Вебер М. Политика как призвание и профессия: теория партий и партийных систем. – М., 2008. – С.74.

Демак, партияларнинг вужудга келиши сабабларидан бири, бу хусусий мулк ва уни ҳимоялашга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигидир.

М.Веберга эргашган М.Дюверже партогенезнинг янада чуқур талқинларини илгари сурди ва партия яратишнинг икки усулини ифода этди. Биринчиси – “партияларнинг сайлов ва парламентдан келиб чиқиши”. М.Дюверже қуйидаги изоҳлари орқали ушбу йўналишни очиб берди: “Генезиснинг умумий механизми оддий: аввал парламент ассоциациялари яратилади, сўнгра сайлов комиссиялари; ниҳоят, ушбу икки шаклланиш ўртасида доимий алоқа ўрнатилади”. Сиёсий партияларни ташкил этишнинг иккинчи йўли, М.Дювержега қўра, “ташқи йўл”дир. Ва шу тарзда, француз сиёсатшуносининг фикрига қўра, сиёсий партияларнинг жуда кўп хилма-хил уюшмаларини яратиш мумкин. М.Дюверженнинг якуний хулосаси қуйидагича: партия генезисининг сайлов ва парламент йўли демократия эволюциясининг маълум бир босқичига хос бўлиб, унга қўра умумий сайлов ҳуқуқи сайловчилар оммасининг илғор иштироки билан шакллантирилади⁹. М.Дюверже партогенезни аксар олимларга нисбатан мураккаброқ кўринишда ифодаб, тушунтиришга ҳаракат қилган. М.Дюверже ушбу йўналишдаги ўз тадқиқотларини М.Вебернинг тадқиқотларига асосланган ҳолда олиб борганлигини кузатиш мумкин.

Сиёсий партиялар ҳақидаги ғояларни ривожлантиришга рус олимлари-конституционистлари В.М.Гессен, Ю.С.Гамбаров, М.М.Ковалевский, Б.Н.Чичеринлар ҳам муҳим ҳисса қўшишган. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб сиёсий партиялар тўғрисида биринчи амалий тадқиқотлар пайдо бўлади: К.Маркс, А.Бebel, Г.Плеханов, К.Кауцкий асарларида сиёсий уюшмаларнинг мафкуравий жойлашуви ва партия қурилишини ташкил этиш масалалари кўтарилган¹⁰. Партогенезни тадқиқ этишда ҳам рус олимларининг ҳиссаси бекиёс. Улар партияларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини хронологик нуқтаи назардан ўрганишга алоҳида эътибор қаратишган.

Рус тадқиқотчиси Б.А.Исаев ўзининг “Партия тарихи ва партиявий тизим” китобида партиялар ге-

незисига тўхталиб ўтган. Унда партиялар генезиси, яъни партияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши **онтогенез ва филогенез** деб номланган иккита параллел жараён сифатида кўриб чиқилган. Онтогенез жараёнида сиёсийлаштирилган гуруҳлар, доиралар ва клублардан ўзига хос партиялар пайдо бўлади. Ушбу жараён замонавий Россияда 1987 йилда бошланган. Филогенез жараёнида партиялар тур сифатида, аниқроғи партияларнинг ҳар хил турлари сифатида ривожланади, шу билан бирга ушбу шароитларга (дунёда ва мамлакатда) энг мослашган доминант турлар шаклланади, бу бутун филогенез даврига ёки партия тарихига ном беради, яъни: либерал, социалистик, тоталитар ва замонавий – плюралистик¹¹.

Сиёсий партияларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихига тўхталиб ўтар эканмиз, партияларнинг самарали фаолиятини таъминлаб берувчи партиявий тизимларни кўриб чиқишимиз талаб қилинади.

Партия тизимлари учта кенг тоифага бўлиниши мумкин: икки партияли, кўп партияли ва бир партияли¹². Партияларнинг самарали фаолият юритиши, яъни электоратининг ишончини қай даражада оқлаши ижтимоий-сиёсий муҳит, уларнинг жамиятда эркин ҳаракатланиши учун зарур бўлган ҳуқуқий базанинг яратилганлиги, партиявий тизим ва давлат муносабатлари каби муҳим омилларга боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, турли мамлакатлар тадқиқотчиларининг сиёсий партиялар генезисига назарий ёндашувлари турличадир. Сиёсий партияларнинг вужудга келиш тарихи ва унинг ривожланиш жараёни таҳлилларидан, жамиятда мазкур институтга нисбатан эҳтиёжнинг доимо ошиб борганлигини кўришимиз мумкин ва катта эҳтимол билан бу жараён узлуксиз давом этиб бораверади. Бугунги кунда ҳам партиялар назариясини ўрганиш долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, яқин келажакда партияларда жиддий трансформация жараёни юз бериши эҳтимоли юқори. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда янгича қиёфадаги имкониятлари кенг партияларнинг вужудга келишига хизмат қилади.

⁹ Тимошенко В.И., Салыков Д.Н. К теории партий и партийных систем // “PolitBook” международный научный журнал по политической науке, 2016, №2. – С.3.

¹⁰ Гараджа Н.В. Основы теории политических партий: Учеб. пособие. – М.: Европа, 2008. – С.7.

¹¹ Исаев Б. А. История партий и партийных систем. Часть III. История партий и партийной системы современной России: Учебник. – М.: “Юрайт”, 2017. – С.41.

¹² <https://www.britannica.com/topic/political-party/Parties-and-political-power>.

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Акбар САИТҚОСИМОВ*

Аннотация. Мақолада ижтимоий ҳаёт барқарорлигини таъминлаш, инсон маънавияти ва маърифатини ривожлантириш, жамиятни демократлаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси муҳим аҳамият касб этиши ёритилган ва бу борада илмий фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: фуқаро, фуқаролик жамияти, ислоҳот, ижтимоий ҳаёт, ахлоқ, ҳуқуқ, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий фаоллик, маънавият, маърифат.

Abstract. The article identifies the importance of the level of legal culture of citizens in ensuring the stability of social life, the development of human spirituality and enlightenment, increasing the scale of reforms in society, and expresses scientific views in this regard.

Key words: citizen, civil society, reform, social life, ethics, law, legal culture, legal activism, spirituality, enlightenment

Аннотация. В статье определяется значение уровня правовой культуры граждан в процессе обеспечения стабильности общественной жизни, развития духовности и просвещения человека, масштабы преобразований в обществе, а также высказываются научные взгляды на данную проблему.

Ключевые слова: гражданин, гражданское общество, реформа, общественная жизнь, этика, право, правовая культура, правовая активность, духовность, просвещение.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бормоқда. Мамлакатимизда барқарор тараққиёт, тинчлик-тотувлик ва фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, фуқароларимизнинг жамиятда юз бераётган муҳим ўзгаришлар ва чуқур ислохотлар жараёнида ўзларининг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаолликларини намоён этаётганликлари ҳам ижтимоий тараққиётда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда миллий юксалиш ва янгилашнилар даврида жамиятда ижтимоий муносабатлар мувозанати тубдан ижобий томонга ўзгарди. Юртимизда халқ фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир инсон ўз истеъдоди ва қobiliятини эркин намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яра-

тиб бериш давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуши ва яшаш муҳитидаги муҳим томонларни ривожлантириш, жамиятда демократик ислохотлар қўламининг юксалиши фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси билан боғлиқ бўлиб, уни тадқиқ этиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш услубларини ижтимоий ҳаётга татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизими-ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида, “аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил ет-

* Акбар Саитқосимов — Жиззах давлат педагогика институти “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари доктори.

казиш тизимини шакллантириш, фуқаролар он-гида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!” деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш¹ кабилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазибалари этиб белгиланган.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият – бу энг аввало, жамиятда мавжуд қонунларни ҳурмат қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини узлуксиз ва оғишмай таъминлашдир. Яъни ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – қонунларга амалий фаолиятда сўзсиз итоаткорлик, қонунларга бўйсунуш ва тўла риоя этиш, улар асосида доимий фаолият юритиш ҳисобланади. Шунингдек, қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини инсоннинг ўз онги ва дунёқарашида муттасил ва мукамал ҳис этиши, ҳаётий фаолиятида уларга амал қилиши ҳам ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: **“Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади”².**

Жамиятда фуқаролар ҳуқуқий маданияти ва фаоллигининг юксалиши мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларга, жамиятни ҳар томонлама

жадал ва инновацион ривожлантириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий маданият фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий жипслашувига, “шахс – жамият – давлат” тизими барқарорлигини таъминлашга кўмаклашувчи омилдир. Шунинг учун ҳам бугунги миллий юксалиш даврида ҳуқуқий маданият масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотчилар ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши борасида ўзларининг турли илмий фикрларини билдирганлар. Мамлакатимиз олимларидан А.Саидов ва У.Таджихановлар, ҳуқуқий маданиятга, “...ижтимоий маданиятнинг бир шакли сифатида ҳуқуқий нормаларнинг англаниши, уларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳаракатнинг амалий ифодасини акс эттирадиган кўрсаткичдир. Ҳуқуқий маданият барча ҳуқуқ нормаларини билиш, уларга оғишмай риоя қилиш ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлиш ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан муросасиз ҳуқ-атворда бўлишда ифодаланадиган шахс умумий маданиятининг бир кўринишидир”³, деб таъриф беришади.

Демак, ҳуқуқий маданият инсоннинг жамиятда намоён этадиган маданий киёфасининг энг муҳим қирраларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгилаб беради. Ҳуқуқий маданият жамиятда меъёрлар, қадриятлар ва ғояларнинг мавжудлиги шароитида инсоннинг:

- ўз ижтимоий фаолиятини англаши;
- жамиятнинг фаол аъзоси эканлигини ҳис қилиши;
- жамият ишида тўлақонли масъулият билан иштирок этиши;
- бу жараёнда ижодкорлик, ташаббускорлик ва фидойилик намуналарини кўрсатиши билан боғлиқ хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Х.Одилқориев эса, “Ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг маърифий савияси, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик ҳолати, фуқароларнинг қонунга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // 2019 йил 9 январь. ПФ-5618-сон / <https://lex.uz/docs/4149765>

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 108 – 110-бетлар.

³ Саидов А., Таджиханов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-том // Масъул муҳаррир академик Ш.З.Ўразаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – 11-б.

хурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши, ҳуқуққа риоя қилмаганларга мурасисиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражаси тушунилади”⁴, деб таърифлаб, унинг муҳим томонларини очиб берган. Демак, жамиятда инсонларнинг қонунчилиги, маънавий-маданий савияси, дунёқараши шаклланишида ҳуқуқий маданият муҳим роль ўйнайди.

Ҳуқуқий маданиятга хос бўлган хусусиятлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ қуйидаги таркибий қисмлардан иборатдир:

- шахснинг ҳуқуқий онги, дунёқараши, билими ва уни ижтимоий амалиётда қўллаш маҳорати ҳамда ўз ҳуқуқларини ҳаётда амалга ошириш, қонунга ҳурмат туйғуси ва унга амал қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий фаоллиги;

- жамиятда мавжуд қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг мукамал ва самарадор ишланганлиги билан боғлиқ асосда шаклланидиган қонун ижодкорлиги;

- ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ амалиётнинг сифати ва самарадорлиги, қонунлар ва халқаро умумэътироф этилган ҳуқуқий ҳужжатларга доимий амал қилиш жараёнини ташкил этадиган ҳуқуқни муҳофаза этиш ва суд органларининг фаолияти;

- ҳуқуқий муносабатлар ва муаммоларни тадқиқ ва таҳлил этиш, тақлиф-тавсиялар беришга мўлжалланган, ҳуқуқий таълим-тарбияга асос бўладиган юридик фанлар.

Ҳуқуқий маданият деганда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган вазифани доимий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш, таҳлил этиш ва ҳулоса қилиш билан боғлиқ ҳуқ-атвор меъёрлари йиғиндиси, услублари ва хатти-ҳаракатларини тушуниш муҳим хусусият ҳисобланади. Натижада, шахс жамиятда ҳар қандай ҳуқуқий масалани ҳал этиш ва ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш билан боғлиқ жараёнларда кенг қамровли равишда иштирок этади, унинг самарадорлигини таъминлаш билан доимий шуғулланади. Бу орқали шахс муайян ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олади, ижтимоий масъулият субъектига айланади ва зарурий самараларга эришади.

Ҳуқуқшунос олим Э.Қодиров, “Ҳуқуқий маданият – ижтимоий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у шахснинг ижтимоий, ҳуқуқий ва

сиёсий институтлар таъсирида, миллий менталитет асосида миллий ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини замон талаблари даражасида ўзлаштириш, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашуви, ўз ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги индивидуал ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий ҳуқ-атворнинг амалдаги йиғиндиси”⁵, дея таъриф беради.

Мамлакатимизда халқимизнинг ҳаётий эҳтиёжлари, турмуш сифати ва фаровонлигини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қонун ижодкорлигини муҳим асосларда такомиллаштиришга мўлжалланган чора-тадбирлар натижасида фуқароларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар мунтазам амалга оширилмоқда. Бунда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар доимий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда. Ўз навбатида, аҳоли ҳам муҳокамаларда фаол қатнашиб, давлат ва жамиятимиз учун муҳим ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий масалаларни ҳал этишда ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирмоқда. Бу аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фаоллиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Масалан, 2021 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”-ги Фармони имзоланди. Мазкур давлат дастури лойиҳаси жорий йилнинг 18 – 28 январь кунлари 2021.strategy.uz, jamoatchilik.uz ва regulation.gov.uz веб-порталлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Муҳокамалар доирасида фармон лойиҳаси тўғрисида маҳаллий оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқларда 700 га яқин, телерадиоканалларда 400 га яқин чиқишлар амалга оширилди. Натижада, лойиҳа бўйича 4 мингга яқин тақлифлар келиб тушди. Хусусан давлат бошқаруви йўналиши бўйича – 1 239 та, суд-ҳуқуқ йўналишида – 479 та, иқтисодий соҳасида – 901 та, ижтимоий соҳа-

⁵ Қодиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мисолида). Юридик фанлар доктори (DSc) дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – 14-б.

да – 1018 та, ташқи сиёсат ва хавфсизлик йўналишида – 146 та. Таклифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш якунига кўра, лойиҳага жами 50 га яқин концептуал ҳамда 100 дан ортиқ аниқлаштирувчи таҳририй ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган⁶.

Қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик – бу юксак умуммиллий маданиятнинг аниқ намоён бўлишидир. Қонунларга итоаткорлик деганда мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларини пухта ва аниқ билиш ҳамда уларга тўлақонли риоя қилиб яшаш тушунилади. Қонунларни пухта билиш эса ҳуқуқий саводхонликнинг кўриниши бўлиб, давлат учун ҳам, фуқаро учун ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки қонунга итоаткорлик давлат ҳуқуқий тартибот тизимининг асосини ташкил этади.

Ҳуқуқий маданият ўз Ватанига содиқлик, унга хизмат қилиш, бурч ва масъулиятни ҳис этиш билан ҳамбарчас боғлиқ.

Шу ўринда қизиқ бир ижтимоий тажрибага эътибор қаратсак. Япониянинг Нагоя университети ўқитувчилари талабаларнинг ижтимоий ҳуқ-атворини синовдан ўтказиш мақсадида уларни олдиндан белгиланган аниқ бир жойга олиб бориб, ўғрилиқ қилишларини сўрашади. Синов жараёнида 30 нафар талабадан 3 нафари ўғрилиқ қилади. Жиноятни содир этмаган талабаларга савол берилади: “Сиз нега ўғрилиқ қилмадингиз?”. Жавоблар турли хил бўлади: мен бу ишни уddaлай олмайман (30%), менда ҳамма нарса бор (12%), мен уларга зиён беришдан қўрқдим (68%)⁷. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий ҳуқ-атвор хусусиятлари ва ҳуқуқий маданият ёшлиқдан шаклланиб боради.

Ҳуқуқий маданият таълим ва тарбия жараёнлари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, уни шакллантириш ва ривожлантириш бошланғич таълимнинг ажралмас қисмига айланиши даркор. Жумладан, Япония ва Малайзия каби давлатларда ҳуқуқий маданият ўқувчиларга мактаб давриданок сингдириб борилади. Мамлакат ёшлари учун парламент биноси олдида келиб таъзим қилиш одатий ҳолга айланган. Ушбу анъана нафақат парламент ва қонунларга ҳурмат, балки мамлакатда қонун

чиқарувчи органларга бўлган ишонч ва эҳтиромдан ҳам далолатдир.

Ҳуқуқий таълим ва тарбия жамиятда ҳуқуқий маърифатни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. А.Тошқуловнинг таъкидлашича, “Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия, бошқача айтганда, ҳуқуқий маърифатни такомиллаштириш зарур. Ҳуқуқий маърифатнинг асосий мақсади шахсда ҳуқуқий онгни шакллантиришдан иборат. Бу тушунчанинг ҳар бир киши онгида чуқур илдиз отишига, энг аввало, ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиб, уларга ҳурмат уйғотиш, омманинг онгли равишда бу борада қатъий риоя қилишига эришишимиз керак”.

Ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий ҳаёт ривожига билан боғлиқ хусусиятларининг намоён бўлиши куйидаги чора-тадбирлар билан алоқадор ҳисобланади:

1) ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ илмий, педагогик, меъёрий ва ҳуқуқий манбаларни янада такомиллаштириш ва бу борада юқори малакали кадрлар салоҳиятини шакллантириш;

2) ҳуқуқий тизим барқарорлигини таъминлаш шароитида фуқаро ҳуқуқий маданиятини юксалтириш имкониятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий маданият бўйича институционал тизимни ишлаб чиқиш;

3) ҳуқуқий маданиятнинг тарихий, маданий, маърифий ва ижтимоий аҳамиятини илмий ишлаб чиқиш ва жамият ижтимоий тараққиётидаги ролини аниқловчи тадқиқотлар кўламини кенгайтириш;

5) глобаллашув шароитида ёшларнинг онги, тафаккури ва дунёқарашида инсон ва жамият манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий дунёқарашни кенг қамровли шакллантириш;

6) ҳуқуқий маданиятни илмий-назарий, ижтимоий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо сифатида аниқ ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятлари билан боғлаб ўрганиш.

⁶ Қаранг: 2021 йилги давлат дастури қабул қилинди. Муҳокамалар натижалари қандай бўлди? // <https://xs.uz/uzkr/post/2021-jilgi-davlat-dasturi-qabul-qilindi-muhokamalar-natizhalari-qandaj-boldi>

⁷ Новые социальные движения и социокультурные эксперименты. Реф. сб. Вып №1. – М.: “ИНИОН”, 1999. – С.124.

МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ

Хабибулла МИРСОАТОВ*

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда меҳнат ҳуқуқини тартибга солиш бора-сида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотларни ҳаётимизга жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Фуқароларимизнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, унинг нормаларини халқаро стандартларга мослаштириш долзарб аҳамиятга эга. Муаллиф томонидан бу борада амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ёритилган, шунингдек қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган хулоса ва таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: меҳнат ҳуқуқи, адолатли меҳнат шароитлари, Халқаро меҳнат ташкилоти, ишга қабул қилиш ёши, меҳнат таътили, инсон ҳуқуқлари.

Abstract. This article analyzes the organizational and legal framework for the implementation of legal reforms in the field of labor law in Uzbekistan. In Uzbekistan, it is important to ensure the constitutional right of citizens to work, to bring its norms in line with international standards. The author puts forward the conclusions and proposals aimed at improving the content and essence of the reforms in the field of labor in Uzbekistan.

Key words: labor law, fair working conditions, International Labor Organization, age of employment, leave, human rights.

Аннотация. В статье анализируются организационно-правовые основы реализации в Узбекистане правовых реформ в сфере трудового права. Важно обеспечить конституционное право граждан на труд, привести его нормы в соответствие с международными стандартами. Автор выдвигает выводы и предложения, направленные на совершенствование содержания и сущности реформ в сфере труда в Узбекистане.

Ключевые слова: трудовое право, справедливые условия труда, Международная организация труда, возраст приема на работу, отпуск, права человека.

Дунёда барқарор ривожланишга эришиш учун муносиб меҳнат ва тенгликни таъминлаш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, “2018 йилда дунё меҳнат ресурсларини ташкил қилувчи 3,3 млрд кишининг кўпчилиги учун иқтисодий хавфсизлик, моддий фаровонлик, имкониятлардаги тенглик таъминланмаган. Норасмий меҳнат муносабатларининг юқори даражаси сақланиб, ушбу кўрсаткич жами меҳнат ресурсларининг 61 фоизини ташкил қилмоқда. Гендер тенгсизликни бартараф қилиш бўйича ижобий

ҳолат кузатилмаган. Меҳнат фаолиятида эркакларнинг бандлиги 75 фоизни, аёллар бандлиги 48 фоизни ташкил қилмоқда. 700 миллион киши оғир меҳнат ва яшаш шароитларида ишламоқда”¹.

Жаҳонда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, уни дифференциациялаштиришга қаратилган илмий тадқиқот йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, гендер тенгликни таъминлаш, меҳнатда дискриминациянинг олдини олиш, болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаш, хусусий секторда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, кичик бизнесда

* Хабибулла Мирсоатов – Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

¹ Қаранг: Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий веб-сайти // https://www.ilo.org/global/research/global-reports/weso/2019/WCMS_670542/lang-en/index.htm.

ёлланма меҳнатдан фойдаланиш хусусиятларини белгилаш, нодавлат ташкилотлар ходимлари ва давлат хизматчиларининг меҳнاتини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини аниқлаш, асоссиз равишда имтиёз ва кафолатлар ёки чекловларни қўллашни бартараф қилиш бўйича илмий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда меҳнат муносабатларининг анъанавий иштирокчилари бўлган ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларида мувозанатни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий меҳнат қонунчилигини модернизациялаш ва либераллаштириш орқали унинг бозор иқтисодиётига мослашувчанлигини оширишга қаратилган ислохотлар ўтказилмоқда. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, “давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ижтимоий соҳани ривожлантириш белгилаб олинган”². Шу боис, меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда меҳнат шартларининг бирлиги ва дифференциацияланганлигини илмий тадқиқ қилиш объектив зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг у ёки бу жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган.

Хусусан, А.А.Иноят³, М.А.Усманова, М.Ю.Гасанов⁴, Й.Турсунов⁵, Г.Д.Саттарова⁶, Ш.А.Исмоилов⁷, З.С.Расулов⁸, М.А.Раҳимов⁹, Б.Мусаев¹⁰ меҳнат ҳуқуқи ва уни таъминлаш масалаларини илмий тадқиқотларида ёритган. Ушбу масалаларнинг конституциявий ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек инсон ҳуқуқларини таъминлашда конституционализмни мустаҳкамлаш борасидаги фикрлар Ш.Якубов¹¹, И.Беков¹² ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Меҳнат соҳасидаги БМТ стандартлари орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси алоҳида ўрин тутди. Мазкур декларациянинг 23-моддасига кўра ҳар бир шахсга меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимояланиш, тенг меҳнат учун ҳеч бир камситишларсиз тенг ҳақ олиш, касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқлари кафолатланса, 24-моддада ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Шунингдек, декларациянинг 25-моддасида оналик ва болаликда алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқи берилиши қайд этилган¹³.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

³ Иноят А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002. – 394 б.

⁴ Гасанов М.Ю. Трудовое право Республики Узбекистан. Общая часть. – Т.: “LESSON PRESS”, 2016. – 320 с.

⁵ Турсунов Й. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига шарҳ. – Т.: “Адолат”, 2018.

⁶ Саттарова Г.Д. Социальное партнерство в форме коллективно-договорного регулирования трудовых отношений в Республике Узбекистан: монография. – Т.: ТГЮИ, 2010. – С.78-85.

⁷ Исмоилов Ш.А. Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда дифференциаллик: МДХ давлатлари тажрибаси // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили, 2017 й. №3. – 84-б.

⁸ Расулов З. Правовое регулирование трудоустройства в новых условиях хозяйствования: на материале Республики Узбекистан и Беларусь.

⁹ Раҳимов М. Меҳнат муносабатларида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш кафолатлари: халқаро ва миллий тажриба // “Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: “Akademnashr”, 2017. – 201-б.

¹⁰ Мусаев Б. Международное частно-правовое регулирование трудовых отношений в Узбекистане: унификация права и состояние коллизионного законодательства // “Review of law sciences”, 2020 // <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnoe-chastno-pravovoe-regulirovanie-trudovyh-otnosheniy-v-uzbekistane-unifikatsiya-prava-i-sostoyanie-kollizionnogo>.

¹¹ Yakubov Sh.U. Digitalization of public control. – Psychology and education (2021) 58(2): 1346-1352 – doi:<https://doi.org/10.17762/pae.v58i2.2281>.

¹² Bekov I. Constitutional and legal basics for the participation of political parties in the formation of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis // “Journal of Critical Reviews”, 2020, №. 11.

¹³ Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар: тўплам. – Т.: “Адолат”, 2004. – 35-б.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги меҳнатга оид кафолатларни тўлдириб, унда барча меҳнаткашлар хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити билан таъминланиши, шунингдек меҳнат стажига ва малака асосидагина ишда тегишли янада юқори мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият тақдим этилиши белгиланган (7-модда).

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт ҳеч кимнинг мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозимлигини белгилаб, мажбурий меҳнат деб саналмайдиган ҳолатларни келтиради (8-модда).

БМТнинг 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”-ги конвенцияси аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган яна бир муҳим халқаро стандарт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган. Конвенциянинг 11-моддаси аёлларга бошқа БМТ стандартларида назарда тутилган меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги умумий кафолатлардан ташқари лавозим бўйича кўтарилиш, шогирдлик, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқи, аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги ёки оналиги сабабли камситилишининг олдини олиш, ота-оналар оилавий бурчларининг бажарилишини меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш каби алоҳида имтиёз ва афзалликларни назарда тутди¹⁴.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) БМТнинг меҳнат ва ижтимоий таъминот масалаларига оид ихтисослашган алоҳида бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ХМТга 1992 йилда аъзо бўлиб кирган ва ҳозирга қадар ХМТнинг 18 та конвенциясини ратификация қилган. ХМТ меҳнат ва ижтимоий таъминот масалалари бўйича муҳим меъёрий ва тавсиявий ҳуқуқий ҳужжатлар – конвенция, декларацияларни қабул қилади. Ҳозирга қадар ХМТ томонидан 189 та конвенция ва 205 та декларация қабул қилинган.

ХМТ ўз конвенцияларини 3 та турга ажратади. Булар – фундаментал, бошқарувга оид ҳамда техник тусдаги конвенциялардир. Ўзбекистон Республикаси фундаментал конвенцияларнинг барчасини ратификация қилган. Фундаментал конвенциялар давлатлар учун асосий меҳнат меzonларини белгилаши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида, “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”¹⁵, деб белгиланган.

Ушбу конституциявий ҳуқуқий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида таъкидланган: “Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга”¹⁶, деган умумэтироф этилган нормага тўла мос келади.

Миллий қонунчилик ҳужжатларида халқаро умумэтироф этилган мазкур норма бир қатор қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги (2019), “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги (2020), “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳам ўз ифодасини топган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги (1976 йил 26 июнь, Женева) 138-сонли конвенцияси Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилда ратификация қилинган. Унда ишга қабул қилиш учун энг кам ёшнинг қатъий ва комплекс тушунчаси белгиланган. Ушбу масалада, айниқса, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан изчил ва мослашувчан ёндашув намоён этилган.

Мамлакатимизда вояга етмаганларни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланишда

¹⁴ Конвенции ООН “О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин” // <https://www.lex.uz/ru/docs/2685526>.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>.

¹⁶ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилмаса, қонунчиликда муайян жавобгарлик чоралари белгиланган. Хусусан, 2009 йил 21 декабрда қабул қилинган “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш”, деган янги норма киритилди. Унга кўра, вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда жавобгар бўлган фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш жазоси белгилаб қўйилди¹⁷.

Республикада ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, сўнгги йилларда болаларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Ўзбекистонда амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг 18 та конвенциясини ратификация қилган бўлиб, уларнинг барчасини миллий қонунчиликда акс эттирганлигини қайд этиш зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси меҳнат шартномаларини тузишда ва бекор қилишда, меҳнат мажбуриятларини бажаришда, иш вақти муддатини белгилашда, меҳнат таътиллари беришда вояга етмаганлар учун қўшимча кафолатларни назарда тутувчи махсус нормалар билан тўлдирилди.

Учинчидан, 2008 йил 7 январдаги “Болалар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун талабларини бажариш мақсадида, 2009 йил 21 декабрда “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра янги 49¹-модда билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўлдирилиб, вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги белгиланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрдаги 239-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ишга қабул қилиш учун йўл қўйилмаган энг кам ёш ўн тўрт ёшдан ўн беш ёшгача оширилди, яъни ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва маънавий ривожланишига зарар етказмайдиган, ўқув жараёнини бузмайдиган, ўқишдан бўш вақтда энгил ишларни бажариш учун – ўн беш ёшга тўлганларидан сўнг, ота-оналаридан бирининг ёки ота-она ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиш мумкинлиги белгиланди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 551-модда.

ИЗЧИЛ КАДРЛАР СИЁСАТИ — КЕЛАЖАК РАВНАҚИ АСОСИДИР

Комил БАРАТОВ*

Аннотация. Мақолада мамлакатимиздаги кадрлар сиёсати, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўналишлар, принциплар, тизимни такомиллаштиришнинг устувор вази-фалари хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: кадрлар сиёсати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш, инсон омили.

Abstract. The article discusses issues on human resources policy, relevant legal acts, directions, principles, priorities in further improvement.

Key words: hr policy, development of legal acts, human factor.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы кадровой политики, соответствующие правовые акты, направления, принципы, приоритеты в дальнейшем совершенствовании кадровой политики.

Ключевые слова: кадровая политика, разработка правовых актов, человеческий фактор.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар негизда, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг кадрлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилиб, бир бутун узлуксиз тизимда олиб борилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 2020 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни¹ янги таҳрирда қабул қилингунига қадар амалда бўлди.

Мамлакатда юқори малакали кадрлар тайёрлашга доимий равишда алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда янги ўқув даргоҳлари очилмоқда. Талабалар ривожланган хорижий мамлакатларда таълим олишлари ва касб эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг калити ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 3 октябрда “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон² имзоланди.

Мазкур фармонда давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, истикболли бошқарув кадрларини саралаб олиш, Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати

* Комил Баратов – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтининг Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/5013007>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/4549998>

тизимини тубдан такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Кадрлар сиёсатини ташкилот кадрлар стратегиясини амалга ошириш учун чиқарилган норма, қоида ва процедуралар мажмуи деб таърифлашимиз мумкин.

Кадрлар сиёсатининг таркибий элементлари бандлик сиёсати, рағбатлантирувчи сиёсат, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги сиёсат, персонални ривожлантириш сиёсати ҳисобланади³.

Бандлик сиёсати ходимни жалб қилиш, танлаб олиш ва ёллаш тизимини яратиш, ташкилотнинг кадрларга бўлган сон ва сифат эҳтиёжларини аниқлаш, ходимлар таркибининг мослашувчанлигини таъминлаш, шунингдек керак бўлиб қолганда ходимларни бўшатиш мезони ва усулларини аниқлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Рағбатлантириш сиёсати ходимни ўз ишидан мамнун эканлигини даврий назорат қилишни, унинг меҳнатини баҳолаш, асослаш ва рағбатлантиришни кўзда тутди.

Ижтимоий-меҳнат муносабатидаги сиёсат ташкилот ходимларини керакли ахборот билан таъминлашни, кадрлар айланмасининг сабабларини таҳлил қилишни, муаммоларни ечиш ва диагностика қилиш усулларини аниқлашни, қайта алоқа ўрнатиш муносабатларини ўрнатишни, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратишни ва уни қўллаб-қувватлашни, оддий ходимлар ва раҳбарият орасида ўзаро ҳамкорлик даражасини оширишни кўзда тутди.

Кадрлар сиёсатининг алоҳида элементларини (персонал билан ишлашнинг йўналишларини) аниқлаш ва таърифлаш барча ташкилотларда катта амалий аҳамиятга эга.

Кадрлар сиёсатида ходимларнинг мотивацияси, ташкилотга содиқлиги, профессионализи ва компетентлигини, шунингдек билвосита ёки бевосита ташкилот фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсатишини аниқлаш муҳимдир.

Ходимлар сиёсати ташкилот (корхона) эгалари, юқори бошқарув ва кадрлар хизмати томонидан ишлаб чиқирилиши керак. Кўп ҳолларда кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш фақат кадрлар бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Кадрлар сиёсатининг энг муҳим йўналиши раҳбар кадрлар захираси билан ишлашдир. Республика ташкилотларида (корхоналарида) ходимларни касбга йўналтириш ходимнинг касбий-ишчанлик фазилат-

ларини ҳисобга олиш, унинг меҳнатини баҳолаш натижаларига асосланади. Бироқ барча ташкилотларда ҳам мутахассислар ва раҳбарларнинг меҳнат натижаларини баҳолаш тизими мавжуд эмас. Корхона, муассаса ва ташкилотларда ходимнинг касбий фазилатларини алоҳида баҳолаш амалга оширилмайди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кадрлар сиёсатининг концепцияси ва моҳиятини аниқлаш учун ягона нуқтаи назар йўқ. Аммо, бошқа томондан, ёндашувларнинг хилма-хиллиги уни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун имкониятлар яратади. Тўғри кадрлар сиёсатини олиб бориш стратегик нуқтаи назардан ташкилот самарали ривожланишининг асоси ҳисобланади⁴.

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат фаолиятини ташкилотнинг мақсадларига эришишга қаратилган ягона оқимга бирлаштириш учун кадрлар сиёсатининг асосий қисми бўлган самарали кадрлар бошқаруви тизими йўлга қўйилиши лозим.

“Кадрлар сиёсати” тушунчасининг замонавий мазмуни қуйидагича:

Биринчидан, ташкилотнинг замонавий кадрлар сиёсати мантиқий равишда ташкилотнинг миссияси ва стратегик мақсадларидан келиб чиқади ҳамда ташкилот фаолиятининг аниқ натижалари ва ривожланиш истикболларига йўналтирилади.

Иккинчидан, кадрлар сиёсати ғоялари ташкилот раҳбарияти (муассислар, раҳбарлар, бошқарувчилар) томонидан шакллантирилади ва фаол равишда ишлаб чиқилади.

Учинчидан, кадрлар сиёсати асосан юқори ва ўрта даражадаги функционал раҳбарларни, шунингдек профессионал кадрлар хизматини онгли ва изчил тарзда ўз ичига олади.

Тўртинчидан, кадрлар сиёсатини амалга оширишда профессионал кадрлар хизмати етакчи роль ўйнайди. У маслаҳатчи, методист, бошқарувчиларнинг ёрдамчиси, кадрлар сиёсатини назорат қилувчи координатор, унинг самарадорлигини, агар зарурат бўлса, унинг ўзгаришларини амалга оширувчи ташаббускор сифатида ишлайди.

Кадрлар хизмати кадрлар сиёсатининг бажарилишини рағбатлантирадиган аниқ кадрлар стратегияси, сценарийлари ва қоидалари лойиҳаларини ишлаб чиқади. Кадрлар сиёсатининг турли таърифлари (кадрлар бошқаруви сиёсати, инсон ресурсларини бошқариш сиёсати, инсон капитали бошқаруви сиёсати) мавжуд.

³ Назарова Н.Ж. Кадрлар сиёсати кадрлар стратегиясини амалга ошириш воситаси сифатида // <http://manaviyat.tashiit.uz/2018/06/12>

⁴ Кадровая политика // <http://info-personal.ru/upravlenye-personalom/kadrovaya-politika>

Шуни эсда тутиш керакки, ходимлар билан ишлаш, ишга қабул қилиш билан тугамайди. Ташкилотда ходимлар билан ишлашнинг йўналиши ва мазмунини белгилайдиган қоидалар ва меъёрлар, мақсадлар ва ғоялар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Кадрлар сиёсати ташкилот раҳбарияти томонидан шакллантирилади ва кадрлар хизмати томонидан амалга оширилади. Ходимлар билан ишлаш тамойиллари, усуллари, қоидалари ва нормалари муайян тарзда шакллантирилиши керак, кадрлар сиёсати ташкилотнинг маҳаллий ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида, масалан, ички меҳнат қоидалари, жамоа шартномасида белгиланиши лозим⁵.

Кадрлар сиёсати – ташкилотнинг ривожланиш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда доимий ўзгарувчан, замон талабларига ўз вақтида жавоб бера оладиган масъулиятли, ишчан ва аҳил жамоани яратишга йўналтирилган, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш бўйича тамойиллар, усуллар, шакллар ҳамда ташкилий механизмлардан иборат.

Кадрлар сиёсати – кенг маънода ходимларни бошқариш фаолиятининг асосий йўналишлари (танлаш, ўқитиш, тарғиб қилиш) олдиндан режалаштирилган ва ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини умумий тушуниш билан келишилган принциплар, меъёрлар, қоидалар тизими ва тор доирада – муайян қоидалар, инсон ва ташкилот муносабатларидаги чекловлардир.

Бу таърифларнинг барчаси “кадрлар сиёсати” тушунчасининг моҳиятини акс эттиради. Бироқ ягона таъриф бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар бир ташкилот ўз олдига қўйган мақсадларга асосланиб, ходимларни бошқариш муаммоларини ташхислаш ва ҳал қилишга интилади.

Кадрлар сиёсати қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- янги технологияларни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш;
- таълим тизимини такомиллаштириш ва расмий ҳаракатлар асосида ташкилотнинг жорий ва келажакдаги вазифаларини ҳал қилиш учун ходимларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ходимларни ишга олиш ва танлашнинг замонавий тизимларини яратиш, ходимларга нисбатан хиз-

мат фаолияти, меҳнатга ҳақ тўлаш концепциясини шакллантириш ва ходимларни маънавий рағбатлантириш;

– самарали меҳнатнинг тенг имкониятларини, унинг хавфсизлиги ва мўтадил шароитларини таъминлаш;

– ташкилот ривожланиши доирасида ходимларга бўлган асосий талабларни аниқлаш, янги кадрлар тузилмаларини шакллантириш ва ходимларни бошқариш тартиб-таомиллари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

– ходимларни иш билан таъминлаш;

– жамоада маънавий-психологик муҳитни яхшилаш.

Ҳар бир ходим муҳим аҳамиятга эга, чунки бутун ташкилотнинг якуний натижалари шахснинг ишига боғлиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, ахлоқий ва моддий рағбатлантириш, ижтимоий кафолатлар ташкилотларда олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг асосий жиҳати бўлиши керак.

Устама ҳақ тўлаш ва фойдани тақсимлашда ходимларнинг иштирок этиш тизими ташкилот фаолиятининг якуний натижаларидан манфаатдорликнинг юқори даражасини таъминлайди.

Кадрлар сиёсатини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

- меҳнат самарадорлиги;
- қонунчиликка риоя қилиш;
- меҳнатни қондириш даражаси;
- шикоятларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги;
- ходимлар айланмаси;
- меҳнат низоларининг мавжудлиги ёки йўқлиги.

Ходимларга нисбатан тўғри ташкил этилган сиёсат ташкилотни нафақат ўз вақтида ва сифатли кадрлар билан таъминлашни, балки кадрлар малакасини оширишни, шунингдек ходимларнинг ҳаёт сифатини юқори даражада қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Жамиятимизда, “Кадрлар – бу соҳалар локомитиви”, деган нақл бор. Бу гап бежиз айтилмаган. Чунки ташкилотнинг кадрлар хизмати ходимларни мутахассисликлари, тажрибаси, йўналишлари, маълумоти бўйича хизмат жойларига, иш ўринларига жойлаштирар экан, бунда ходим ёки хизматчининг олган билими, иш тажрибаси, мутахассислиги эгаллаб турган лавозимига тўғри келмаса, ушбу ходимдан йўналиш ёки соҳа бўйича ижобий натижаларни кутишнинг ўзи нотўғри бўлади. Инсон мутахассислик бўйича олган билимига, маълумотига кўра хиз-

⁵ Қаранг: Кадрлар сиёсати // <http://www.kafolat.uz/uz/news/info/company/659>.

мат жойига бириктирилса, унинг олган назарий билимлари амалиётда мустаҳкамланиб, ривожланиб боради. Шунингдек, корхона ёки ташкилот ижобий натижаларга эришади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш кадрларга катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида эътироф этганидек, **“Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман.**

Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз ва азму шижоатингизга суянмиз”⁶.

Хулоса қилиб айтганда, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг кадрлар сиёсатини амалга оширишда ходимларни бошқариш хизматининг асосий мақсади ташкилотни салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш, ушбу кадрлардан самарали фойдаланиш ва ташкилотни ривожлантиришдан иборат.

Кадрлар сиёсатида қўйилган талаблар:

– **биринчидан**, у корхонанинг ривожланиш стратегияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиши ва стратегиядаги ўзгаришларга, ишлаб чиқариш ва иқтисодий вазиятга қараб, ўзгарувчан ва етарли даражада барқарор бўлиши лозим;

– **иккинчидан**, кадрлар сиёсати иқтисодий жиҳатдан оқилона ташкил этилган бўлиши керак, яъни ташкилотнинг ҳақиқий молиявий имкониятларидан келиб чиқиши ва ходимларга индивидуал ёндашувни таъминлаши зарур.

Кадрлар сиёсатини йўлга қўйиш ташкилотнинг инсон ресурсларини бошқариш хизматини ташкил этишни ўз ичига олади. Мунтазам равишда ходимларни бошқариш концепцияси ривожлантирилиши, ходимлар хизмати бўлинмалари тўғрисидаги қоидалар янгиланиши лозим.

Ходимларни танлаш ва баҳолашнинг янги усуллари, шунингдек, уларнинг касбий ривожланиш тизимини жорий этиш, бундан ташқари, ходимларни касбга йўналтириш ва мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, янги рағбатлантириш тизимларини йўлга қўйиш, меҳнат мотивациясини ошириш ҳамда меҳнат интизомини бошқариш ишларини ривожлантириш талаб этилади.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги / <http://uza.uz/posts/197662>.

МАИШИЙ ТУРМУШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Фаррух ЖУМАЕВ*

Аннотация. Мақолада маиший турмушдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф ўз фикрларини ҳаётий ва назарий мисоллар орқали асослантирган. Таҳлиллар асосида умумий хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, маиший турмуш, ичкиликбозлик, маиший низо.

Abstract. The article analyzes the causes, consequences and peculiarities of domestic crimes. The author substantiates his ideas through real-life and theoretical examples. Based on the analysis, general conclusions were drawn.

Key words: offense, domestic life, alcoholism, domestic dispute.

Аннотация. В статье анализируются причины, последствия и особенности бытовых преступлений. Автор обосновывает свои идеи на реальных и теоретических примерах. На основании анализа сделаны общие выводы.

Ключевые слова: правонарушение, семейная жизнь, алкоголизм, бытовой спор.

Маиший турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар кундалик турмушдаги ижтимоий муносабатларда (эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин, қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар) юзага келган келишмовчиликларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги натижасида содир этилади. Афсуски, оила-турмуш доирасидаги муносабатлар баъзида низоли ҳолатларнинг келиб чиқиши билан якун топади¹.

Оиладаги муносабатларни яхшилаш ва уларнинг аҳамиятини ошириш, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада М.П.Ефимова таъкидлаганидек, “Оилани мустаҳкамлаш – жиноятларнинг олдини олишнинг энг самарали йўлидир”².

Оиладаги низоларнинг келиб чиқишини мазмунига кўра шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- унча аҳамиятга эга бўлмаган;
- ўз вақтида ҳал этилмаган;
- жиддий сабабга эга бўлган;

– узоқ давом этган низолар.

Маиший турмуш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш, биринчидан, оилавий муносабатлар орқали энг йирик криминалогик муаммоларни аниқлаш ва уларни тадқиқ этиш; иккинчидан, шахсда маънавий ва ахлоқий фазилатлар шаклланишига, шунингдек вояга етмаганлар тарбиясига ва уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига, шахсда салбий ҳулқ-атворнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига, жиноятчи шахснинг шаклланишига оила муҳитининг таъсирини ўрганиш; учинчидан, шахсни тарбияловчи институт сифатида оиланинг аҳамиятини баҳолаш; тўртинчидан, оилага таъсир кўрсатиш орқали жиноятчиликни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олиш имконини беради.

Мамлакатимизда маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг 2017-2019 йиллар давомида камайишига эришилган бўлса-да, 2020 йилда ушбу турдаги жиноятларнинг ўсишига йўл қўйилган. Мазкур жиноятларнинг ўсиш тенденцияси таҳлил қилинганда оиладаги муаммолар

* Фаррух Жумаев – Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тадқиқотчиси.

¹ Мясникова К.А. Преступное насилие в криминофамилистике // “Общество и право”, 2012, №2. – С.147.

² Ефимова М.П. Состояние насильственной преступности в сфере семейно-бытовых отношений (по материалам Республики Саха (Якутия)) // Государство и право: теория и практика: Материалы междунар. науч. конф. (г. Челябинск, апрель 2011 г.). – Челябинск, 2011. – С. 175.

ўз вақтида ҳал этилмаганлиги, низоли оилалар ўз вақтида аниқланмаганлиги, улар билан манзилли профилактика ишлари олиб борилмаганлиги аён бўлди.

2020 йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ўтказилган видеоселекторда ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмагани, оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайгани, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани танқид қилинди³.

Маиший жиноятларнинг асосий криминологик хусусиятлари доимо бир хил бўлади: жиноятнинг жойи, мотиви, мақсади, асосан оилавий ички низога эгаллиги, жиноятни содир этувчи субъект ва жабрланувчи шахс ҳаётда бир-бирига яқин инсон бўлиши ва ҳоказо.

Таъкидлаш керакки, бу соҳадаги жиноятчиликка ҳисса қўшадиган сабаблар ва унга имкон берувчи криминоген омиллар асосан ичкиликбозлик билан боғлиқ бўлади. Чунки спиртли ичимлик таъсирида шахснинг ўзини-ўзи назорат қила олмаслиги, жисмоний ва руҳий заифлашиш, хулқ-атворда шафқатизлик, кўполлик ва тажовузкорликнинг намоён бўлиши оқибатида кўплаб оғир турдаги жиноятларнинг содир этилиши кузатилади. Шунинг учун алкоголизм, ичкиликбозлик ва улар оқибатида шахснинг руҳиятидаги ўзгаришлар кўп ҳолларда оила турмуш соҳасидаги жиноятларнинг содир этилишига бевосита таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари жиноятни келтириб чиқарувчи омилларга гиёҳвандлик, носоғлом турмуш тарзи, ишсизлик, салбий хулқ-атвор, уй-жой шароитининг йўқлиги, оилавий ажримлар, оиладаги низолар, жанжаллар, мол-мулк талашиш, рашк, кўни-қўшнилари билан келишмовчилик ҳам сабаб бўлади.

Маиший турмушдаги жиноятларнинг ўзига хос йўналиши турлича бўлиши мумкин: шахсга тазйиқ ўтказиш ёки зўравонлик қилиш; зўравонлик қилмаслик; оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан бефарқлик билан муносабатда бўлиши; ҳурматсизлик билан қараш; индивидуал ёки жамоат тартибига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этиш ва ҳоказо.

Оилавий-маиший турмушдаги низолар кўриб чиқилаётган жиноятнинг асосий манбаи ҳисобланади. Кундалик ҳаётда оила аъзолари, қариндошлар ва қўшнилари ўртасида келиб чиқадиган мулоқот жараёнида турли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи кўплаб ҳолатлар мавжуд⁴. Масалан, қисқа ва узоқ давом этган низоли ҳолатларнинг зиддият билан яқун топиши. Кўпинча бундай низоларнинг ташаббускори ҳуқуқбузар шахснинг ўзи ҳисобланади. Можаро йиллар давомида давом этиши ва охир-оқибат жиноятга олиб келиши мумкин.

Оилавий-маиший жиноятларда эр-хотин ўртасидаги низоли ҳолатлар кўпинча оғир, аянчли оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, оилавий ажримга қарор қилган ёки ажрашган эр-хотинлар ўртасида мол-мулк ёки фарзанд талашиш билан боғлиқ муаммолар ўз вақтида оқилона йўл билан ҳал этилмаса, жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу борада М.М.Инагамова тўғри таъкидлаганидек, “Оилавий ажримларнинг кўпайиши жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, суицид ҳолатлари ҳамда болалар уйи тарбияланувчилари сонининг ортиб кетишига олиб келмоқда”⁵.

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги узоқ, кескин зиддиятларни унутмаслигимиз керакки, бундай омиллар мавжуд бўлган оилалардаги низоларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг ечимини топиш лозим. Ана шу масалада “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида оиланинг барбод бўлишига ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги (34,5%), моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар (26,2%), эр-хотин қизиқиши ва дунёқарашининг бир-бирига тўғри келмаслиги (10,6%), уларнинг бир-бирига бефарқлиги (19,5%), ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик (3,3%) сабаб бўлиши

³ Қаранг: “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили амалга оширилади // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/3351>

⁴ Соловьева М.В. Криминология: Учебник / 2-е издание. — Казань, 2014. — С.81-82.

⁵ Инагамова М.М. Ўзбекистонда оила, никоҳ муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари: //Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси, 2020, №3. — 35-6.

аниқланган⁶. Шунингдек, оилавий ажримларнинг асосий сабаблари оиладаги моддий етишмовчилик (26%), эр-хотин характери ва қизиқишининг ўзаро мос келмаслиги (19,3%), ичкиликбозлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш (16%), хиёнат ва ота-оналар билан муносабатдаги низоли вазиятлар (10%) экани аниқланган⁷.

Россиялик олим В.И.Шахов тўғри таъкидлаганидек, “Алкоголизмга ружу қўйиш оила-турмуш муносабатлари доирасидаги низоларни келтириб чиқарувчи асосий омил ҳисобланади”⁸. Ушбу иллатнинг таъсирида инсоннинг ҳаёти учун хавфли бўлган қилмишлар келиб чиқади. Оилавий низолар туфайли жиноятлар содир этилганидан сўнг жиноятчи шахс ўзининг маст ҳолда эканлигидан ҳамда содир этган қилмишидан пушаймон бўлади, лекин у ҳеч нарсани ўзгартира олмайди. Ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар фақат спиртли ичимликлар таъсирида эмас, балки шахсда намоён бўладиган салбий хулқ-атвор бўлиши ҳам мумкин.

Жабрланувчи ўзининг ғайриқонуний ҳаракати билан жиноятни қўзғатиши мумкин. Масалан, онани отадан ҳимоя қилган ўғил куч-қувватини ҳисобламай, унинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказиши мумкин. Ёки хотинини қўшнингнинг ҳужумидан ҳимоя қилган эр ҳам унга зарар етказиши мумкин.

Маиший турмуш доирасида жиноят содир этган шахснинг ҳаракатлари кўпинча ўз-ўзидан, ўйламай, тасодифий бўлади. Унинг хулқ-атвори тажовузкор ва узоқ вақт давомида пайдо бўлган адоватни ўзида ифода этиб, жабрланувчи билан ўзаро муроасага келишга уринмайди. Зўравоннинг ҳаракатлари шафқатсиз, тажовузкор хулқ-атворнинг оқибатидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келишида оилада носоғлом муҳитнинг таъсири ва оила аъзолари ўртасида зиддиятли муносабатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ахлоқ нормаларига ҳурматсиз-

лик билан қарайди, жабрланувчига паст назар билан муносабатда бўлади⁹. Айниқса, ушбу турдаги жиноятлар содир этилишида маиший ва уй-рўзгор буюмларидан (пичоқ, қайчи, болта ва ҳоказо) кўп фойдаланилади.

Жиноят ишлари бўйича йиғма жилдларни ўрганиш жараёнида маиший турмуш соҳасида содир этилган жиноятларнинг 65 фоизи кечки соат 18.00 дан 00.00 гача содир этилган, деган хулосага келиш мумкин. Кун давомида қолган 35 фоиз жиноятлар содир этилар экан. Ҳафта кунлари ҳақида гапирадиган бўлсак, иш кунлари етакчилик қилади. Барча жиноятларнинг 70 фоиздан ортиғи душанбадан жумагача, қолган 30 фоизи дам олиш кунлари ва байрамларда содир этилиши аниқланди¹⁰.

Тадқиқот натижаларига асосан айтиш мумкинки, маиший турмушда қўлланиладиган ҳар қандай кўринишдаги низоларнинг асосий манбаи – оилада шахслар ўртасида вужудга келадиган оилавий-маиший низолардир. Оила аъзолари ўртасидаги оилавий-маиший низолар турли хил сабаблар натижасида вужудга келиши ва ҳар хил кўринишда намоён бўлиши билан бирга қуйидаги умумий белгиларга эга:

– **биринчидан**, кундалик турмушда оила аъзолари ўртасида содир бўлади;

– **иккинчидан**, томонларнинг фикрлари бири-бирига зидлиги, келишмовчилик, уруш-жанжал оқибатида вужудга келади;

– **учинчидан**, бундай низолар кўп ҳолларда узоқ давом этиб келган адоват натижасида юзага чиқади.

Мазкур белгиларга асосланган ҳолда оиладаги маиший низога қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Маиший низо – кундалик турмушда оила аъзолари: эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва қўни-қўшилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёни-

⁶ Қаранг: Ўзбекистонда замонавий намунали оила модели: Ўзбекистон вилоятларидаги 800 та оилада ўтказилган социологик сўровлар натижалари ва таҳлилий маълумот (Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза) // Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё. – Т., “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги маркази, 2019.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикасида мустаҳкам оила ва репродуктив саломатликни шакллантириш омиллари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг ҳисоботи. – Т., 2019. –138-б.

⁸ Шахов В.И. Насилие в семье: уголовно-правовое и криминологическое значение: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 8.

⁹ Самсоненко А.Г. Психологические особенности личности, совершившей преступление: Пособие для практикующих психологов уголовно-исполнительной системы. – СПб. 2012. – С.128.

¹⁰ Смирнов А.Ю. Семейные и бытовые конфликты как источник преступности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2015. – С.13.

даги келишмовчилик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятдир.

Маиший жиноятларга эса оила ичида ва кундалик турмуш жараёнида оила аъзолари, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар оқибатида вужудга келган низоли ҳолатларни жиноий йўл билан ҳал этишга қаратилган ҳаракат, дея таъриф бериш мумкин.

Маиший зўравонлик криминологик муаммо сифатида иктисодий, ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий, методологик, психологик, педагогик, тиббий ва бошқа характердаги зиддиятли вазиятларнинг чексиз хилма-хиллигини ўз ичига олади. Бу ҳолатлар оилада зўравонликни зарарсизлантириш ҳақидаги билимларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ғоясини шакллантиради ҳамда унинг якуни сифатида ички зўравонликнинг криминологик назариясини ишлаб чиқади¹¹. Маиший соҳадаги жиноятларни илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда турли соҳа мутахассислари томонидан бунга катта эътибор қаратилмоқда. Шунга қарамай, оиладаги зўравонлик-

нинг табиати тўғрисида қўпчиликда етарли даражада билим мавжуд эмас. Шу боис, бугунги кунда ижтимоий-психологик, тиббий-психиатрия, криминологик йўналишларда кенг қамровли илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарур. Тадқиқотлар нафақат амалий масалаларга, балки назарий масалаларга ҳам бағишланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, оиладаги низоларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида, **биринчидан**, маъмурий ҳудудларда маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг содир этилган жойи, вақти, содир этиш усули ва шакллари таҳлил қилиш орқали самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини; **иккинчидан**, жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ўрганиш натижасида оиладаги низоли вазиятларни камайтириш мумкинлигини; **учинчидан**, шахснинг руҳиятига оилавий муҳитнинг салбий таъсир кўрсатиши оқибатида оғир турдаги жиноятлар келиб чиқаётганини; **тўртинчидан**, шахснинг спиртли ичимликка ружу қўйиши оилавий-маиший низоларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири эканини кузатиш мумкин.

¹¹ Коцюба В.А. Криминологический анализ и предупреждение преступлений в сфере семейно-бытовых отношений (по материалам Дальневосточного региона). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – С. 6.

АНЖУМАНЛАР. ТАДБИРЛАР. ТАҚДИМОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИДА: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАЛАРИ*

28 апрель куни Тошкентда “Ўзбекистон БМТ-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида: устувор йўналишлар ва ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари” мавзuida видеоконференция бўлиб ўтди. Анжуман Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Элчихонаси ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов конференцияда асосий маърузачи сифатида иштирок этди ва “Янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги ташаббуслари” мавзuida нутқ сўзлади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон илк бор БМТ-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида 2021 йил 1 январдан ўз вазифаларини бажаришга киришди. Анъанага кўра, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг баҳорги сессияси доирасида шу йил 22-24 февраль кунлари Женева шаҳрида бўлиб ўтган Юқори даражадаги сегмент ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кенгашга аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди ва сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида халқаро, минтақавий ва миллий доираларда Ўзбекистоннинг истиқболдаги мажбуриятлари ва режалари ҳақида батафсил тўхталди. Ушбу мажбуриятларни 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби доирасида амалга оширишимиз ҳамда инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимиз алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги ташаббуслари ҳақида сўз борганда, хусусан:

- мамлакатимизда гендер сиёсатини қатъий давом эттириш;

- бу йил юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқотини ташкил этиш, шунингдек хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш;

- БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ташкил этиш;

- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

- БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси институтини таъсис этиш;

- Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш;

- ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшиши;

- мамлакатимизда фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш чораларини кўриш ташаббуслари илгари сурилганини қайд этиш зарур.

Президентимиз халқаро форум иштирокчилари эътиборини мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги кодекслар ишлаб чиқиладиганига қаратди. Бу кодекслардан бири – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, иккинчиси эса сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши лозим.

* Журналнинг “Анжуманлар. Тадбирлар. Тақдимотлар” рукнида берилган маълумотлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизматида олинди.

Ўзбекистон Президенти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 3 та таклиф билан чиқди. Биринчи таклиф: Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш; иккинчи таклиф: Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини Ўзбекистон томонидан ратификация қилиш; учинчи таклиф: мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида БМТнинг Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачисини мамлакатимизга таклиф этиш.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича сўз юритди. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради”.

Анжуманда Германия тарафидан – Германия Федерал ҳукуматининг Россия, Марказий Осиё ва “Шаркий шериклик” мамлакатлари билан ҳамкорлик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Йоханн Заатхофф, Ф.Эберт жамғармаси бошқаруви аъзоси, Германия Федератив Республикасининг собиқ федерал адлия вазири Херта Дойблер-Гмелин сўзга чиқди.

Тадбир давомида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолик доирасида Ўзбекистоннинг устувор мақсадлари ва ташаббусларини амалга оширишда Германия билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича иштирокчилар ўртасида фикр алмашинувлари бўлиб ўтди.

Видеоконференция ишида германиялик экспертлар, давлат идоралари вакиллари, ҳамда Ф.Эберт жамғармаси вакиллари фаол қатнашдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари ҳам иштирок этди.

ЁШЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12 апрелда Женева шаҳрида Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган халқаро онлайн семинар бўлиб ўтди. Тадбир БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” номли 41/13-резолюцияси асосида ташкил этилди.

Тадбирни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет, БМТ Бош котибининг Ёшлар бўйича вакили Жаятма Викрамаяке, Сальвадорнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ваколатхонаси ва Женевада жойлашган бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили Александр Мартелли кириш сўзлари билан очиб берди.

Семинарда кўплаб халқаро ташкилотлар ва ёшлар масалалари билан шуғулланувчи тузилмалар раҳбарлари сўзга чиқди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг етакчи иқтисодчиси Ниал Хиггинс, Адвокатлик ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи Попи Стенбури, Таълим жамғармасининг асосчиси ва Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ёш етакчи Таниа Роз, Тинч Ёшлар кенгаши аъзоси Та-

хире Сисилафия ва Зимбабве тиббиёт муассасалари тармоғи директори Гиф Дзорай ёшларнинг халқаро ва минтақавий даражадаги долзарб муаммолари хусусида фикр юритди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ёшлар ва инсон ҳуқуқларига бағишланган мурожаати билан иштирок этди.

Мамлакатимиз вакили семинар иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича илгари сурган ташаббуслари ва юртимизда бу борада амалга оширилаётган мақсадли ишлар тўғрисида маълумот берди.

Онлайн анжуман давомида, шунингдек ёшларнинг интеграциялашуви жараёнини янада кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Истиқболда ёшлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро миқёсда кўйиладиган қадамлар муҳокама қилинди.

МИЛЛИЙ МАРКАЗ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 27 апрель куни “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Ушбу қонунда белгиланганидек, Конституциявий суд доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда 9 нафар судьядан иборат бўлади.

Мазкур қонунга кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

бўйича вакил, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига киритилди.

Фуқаролар ва юридик шахслар бирор бир қонун уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмокда, деб ҳисобласа ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

“СЎЗ, ФИКР ВА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ: ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР”

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан “Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар” номли китоб нашр этилди. Янги нашр 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни ва ушбу санага асос солган тарихий Виндхук декларациясининг 30 йиллигига мўъжаз тўхфа бўлди.

“Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси” туркумига мансуб ушбу тўплам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида тайёрланган. Китобга академик Акмал Саидов масъул муҳаррирлик қилган ва сўзбоши ёзган. Тузувчи ва таржимон – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзо.

Тўпламда БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши, Америка давлатлари ташкилоти, Африка давлатлари ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган 48 та халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир қоидалари жамланган.

Янги нашрдан ўрин олган Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисидаги қўшма декларация, Халқаро

А. Саидов, Ғ. Мирзаев.
Сўз, фикр ва ахборот
эркинлиги: халқаро-
ҳуқуқий асослар.
— Тошкент: Инсон ҳуқуқлари
бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий
маркази, 2021. — 114 б.



радия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция, Виндхук декларацияси, Йоханнесбург принциплари, София декларацияси, Таллуар декларацияси каби халқаро ҳужжатлар, бир томондан, миллий ҳавфсизлик, фикрни ифодалаш эркинлиги ва ахборотга эга бўлиш борасидаги муҳим қоидалари билан машхур бўлса, иккинчи томондан, ушбу ҳужжатларнинг матни илк бор ўзбек тилида тўлиқ ҳолда тақдим этилаётгани аҳамиятлидир.

Тўплам ҳуқуқшунослар, журналистлар ва шу соҳага қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ДЎСТЛАР ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

БМТ Бош котибининг Ёшлар ишлари бўйича элчиси Жаятма Викрамаяяке Ўзбекистон ташаббуси билан тузилган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича дўстлар гуруҳининг тақдимида иштирок этди. Ушбу халқаро лойиҳа доирасида бутун сайёрамиз ёшларининг ҳуқуқларини илгари суриш ва имкониятларини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда дунёда қарийб 2 миллиард нафар ёшлар яшайди ва бу – инсоният тарихидаги энг кўп сонли авлод деганидир. Айрим мамлакатларда аҳолининг 70 фоизигача бўлган қисмини навқирон инсонлар ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, БМТ маълумотларига қараганда, жаҳон ёшларининг ҳар бештасидан биттаси ўқиш, касб-хунар ўрганиш ва ишлаш имконига эга эмас. Ёшларнинг ҳар тўрттадан биттаси можароли шароитларда яшаётган бўлса, ҳар йили 12 миллион нафар қиз ўзи балоғатга етмасдан фарзанд кўрмоқда.

Пандемия бундай қалтис вазиятни янада оғирлаштириб юборди: мактаб ўқувчиларининг камида учдан бир қисми билим олиш имкониятидан маҳрум бўлди, салкам ярим миллиард нафар ўқувчи мактабга бормаяпти, 11 миллион нафар қизлар эса умуман дарсга қайтмаслиги эҳтимоли мавжуд.

Шу муносабат билан БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш яқинда ўз чиқишларидан бирида дунё аҳолини бутун бошли бир авлод фалокат ёқасида турганидан огоҳлантирди. Бунда экстремистик гуруҳларнинг ижтимоий тармоқларда яна фаоллашиб, ўзаро

нафратни тарғиб этаётгани ва ёшларни ўз сафларига даъват қилаётгани янада хатарлидир.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича дўстлар гуруҳининг асосий вазифаси – ёшлар сиёсати соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ёшлар ҳуқуқларига доир халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришдир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 сентябрь кuni Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ғояси тақлиф қилинган. Ушбу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги кунга қадар Ёшлар ҳуқуқлари бўйича дўстлар гуруҳи сафига Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия давлатлари қўшилди.

Тадбирда нутқ сўзлаган Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов Ёшлар ҳуқуқлари бўйича дўстлар гуруҳи ёшларга онд мулоқотларнинг фаоллашувида, ёшлар ҳуқуқларига доир халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг муҳимлиги юзасидан амалий баҳс-мунозаралар ташкил этилишида, пировардида тегишли Конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ шакллантирилишида муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Ёшлар ҳуқуқлари бўйича дўстлар гуруҳига бошқа мамлакатларни ҳам аъзо бўлишга чақирди.

DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL MAGAZINE

2 (90) – 2021

Chair of the Editorial Board:

Akmal SAIDOV

Editor-in-chief:

Erkin ERNAZAROV

International Editorial Board:

Tanzila NARBAEVA
(Uzbekistan)

Kudratilla RAFIKOV
(Uzbekistan)

Aslan ABASHIDZE
(Russian Federation)

Akira FUJIMOTO
(Japan)

William BUTLER
(USA)

Tadeusz BODIO
(Republic of Poland).

Marghoob BUTT
(Organization of Islamic Cooperation)

Rein MÜLLERSON
(Republic of Estonia)

Tatiana MOSKALKOVA
(Russian Federation)

Sergey UDARTSEV
(Kazakhstan)

Editorial Board:

Mirzatillo TILLABAEV – Doctor of Law, Associate Professor.

Halim BOBOEV – Doctor of Law, (PhD), Professor, Honored Scientist of the Republic of Uzbekistan.

Omon AKYULOV – Doctor of Law, Professor, Honored Lawyer of Uzbekistan.

Askar GAFUROV – Doctor of Law, (PhD), Associate Professor.

Muzaffar MAMASIDDIKOV – Doctor of Law, Professor.

Mikhail GASANOV – Doctor of Law, (PhD), Associate Professor.

Elizabella KUTYBAEVA – Doctor of Law, Professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – Candidate of Law, Professor.

Executive Secretary:

Azizbek RAMAZONOV

FROM THE EDITORIAL BOARD

Ensuring Human Rights is a priority area for reform 72

HUMAN RIGHTS IN NEW UZBEKISTAN

Akmal Saidov. Uzbekistan's new Human Rights initiatives 74

Mukaddas Raximova. Improvement processes of the state administration system in Uzbekistan 77

Zarina Israilova. Analysis of the system for evaluating the effectiveness of the representative bodies of local government 82

HUMAN AND LAW

Tatiana Moskalkova. Protection of the rights and legitimate interests of youth in the activities of the high commissioner for Human Rights in the Russian Federation 88

Otabek Norboyev. We are firmly opposed to torture 93

Davron Alibekov. Innovative criteria for ensuring the rights and interests of citizens in education 96

CONFERENCES. SEMINARS. PRESENTATIONS 99

FOUNDER:



NATIONAL CENTRE
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR
HUMAN RIGHTS

CO-FOUNDERS:



FEDERATION
OF TRADE UNIONS
OF UZBEKISTAN



OMBUDSMAN
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

FROM THE EDITORIAL BOARD

ENSURING HUMAN RIGHTS IS A PRIORITY AREA FOR REFORM

In the new Uzbekistan, large-scale reforms are being carried out in all spheres of life. Uzbekistan is celebrating the 30th anniversary of state independence with large-scale reforms in all – political, legal, socio-economic, spiritual and educational spheres, realizing the idea «From national revival to national progress».

